

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ
“Археология ва этнология” кафедраси**

Маматова Нодира Абдугафур қизи

Малакавий Битирув Иши

**Мавзу: Р.Х.Сулаймоновнинг антик даври
археологиясининг ўрганишдаги аҳамияти**

Илмий раҳбар: ўқ.Мўминов О.Ў.

Тошкент 2014

МУНДАРИЖА

КИРИШ..... 3-6

I БОБ. Р.Х. СУЛЕЙМАНОВ ТОМОНИДАН ҚАРШИ ВОҲАСИ ҚАДИМГИ ДАВРИ АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

1.1 Нахшаб воҳаси археологик ёдгорликларининг ўрганилиш даражаси...7-19

1.2. Ерқўрғон ёдгорлигида олиб борилган тадқиқот ишлари тарихи.....20-32

II БОБ. Р.Х. СУЛЕЙМАНОВ ТОМОНИДАН ЕРҚЎРҒОН ЁДГОРЛИГИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ НАТИЖАЛАРИ

2.1 Ерқўрғоннинг тузилиши ва асосий объектлари.33-52

2.2 Ерқўрғон ёдгорлигида антик даврига оид ўрганилган моддий манбалар
тавсифи.53-65

ХУЛОСА..... 66-68

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Илова

КИРИШ

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аجدодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди.¹

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистоннинг қадимги тарихи, маданияти, кадриятлари, ўзбек халқининг келиб чиқиши, ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалар мавзуларга катта диққат-эътибор пайдо бўлди. Ватанимиз қадимги тарихини холисона ва ҳаққоний ёритиш, унга адолат нуқтаи назаридан ёндашиш ва баҳо бериш олдимизга улкан вазифалар қўймоқда.

Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганлигини бутун жаҳон тан олмоқда. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган ва сайқал топган.²

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг қадимги тарихини чуқурроқ ўрганиш энг муҳим масалалардан ҳисобланади. Жумладан, ўзбек археологларининг, ўлкамизда антик даври маданиятининг бўлиши мавзуларида ўтказган илмий тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Мавзунинг долзарблиги: Қашқадарё воҳасининг йирик шаҳарларидан бири саналган Қарши қадимдан унинг пойтахти бўлиб, ўзининг кўҳна ва бой тарихига эга. Бу кўҳна шаҳар ўзининг узоқ тарихи давомида Нахшаб-Ксениппа, Никшапа, Насаф воҳаси тарихнинг қадимги ва илк ўрта асрлар босқичида Ўрта Осиё цивилизациясида муҳим сиёсий, иқтисодий, ижтимоий этник ва маданий аҳамият касб этган минтақа бўлган. Шу сабабли тарих фанлари доктори, профессор Рустам Хамидович Сулеймановнинг Қарши воҳаси антик даври археологик ёдгорликларини ёритишда ёритишда муҳим аҳамият касб этади. Р.Ҳ. Сулейманов Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXII аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1997, 137 б.

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т; “Шарқ”, 1998, 3-б.

тарихини ўрганишда турли манбалар билан бирга археологик маълумотларга ҳам таянади. Қарши воҳаси антик давр тарихини ёритишда воҳанинг қадимги пойтахти Ерқўрғон ёдгорлигида Р.Ҳ. Сулейманов томонидан олиб борилган археологик тадқиқот натижаларини ўрганиш долзарб вазифалардан биридир.

Р.Ҳ. Сулейманов кўп йиллар мобайнида Қарши шаҳри тарихини ўрганиш борасида кенг қамровли илмий тадқиқотларни амалга оширди. Бунинг самараси ўлароқ, ЮНЕСКО Бош конференциясининг 32-сессиясида Қарши 2700 йиллигини нишонлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

Шу муносабат билан эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг “Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида “ (2004 йил, 9-сентябрь) ва Ўзбекистон Республика Президентининг Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида “ (2005 йил, 26-июнь) қарорлари жаҳон тарихи ва маданиятида алоҳида ўрин тутган Қарши шаҳрининг юбилей тадбирларига тайёргарлик ишларини жадаллаштириб юборди.

Шу сана муносабати билан Ўзбекистон Республика Президенти ташаббуси билан Қарши шаҳрининг тарихий ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш ишлари амалга оширилди.

Қашқадарё воҳаси ўзининг 2700 йиллик қадимий тарихи давомида не-не буюк зотларни ўз бағрида тарбиялаб камолга етказди, уларнинг бутун жаҳон миқёсида қаралган обрў-эътибори, бой мероси ва шону-шавкатини кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келди.¹

Ҳозирги кунда Р.Ҳ. Сулейманов томонидан милoddан аввалги VII-милoddий IV асрларга оид кўплаб тадқиқотлар олиб борилди ва бунинг натижасида анчагина маълумотлар олинди. Улар Қарши воҳаси антик даври тарихига оид археологик муаммоларни ечишга муваффақиятли хизмат

¹ Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш ислохотларини чуқурлаштириш ва маънавиятини юксалтириш халқимизнинг бош мақсади. Т: “Ўзбекистон” 2007, 70 б.

килдилар. (манзилгоҳлардаги маданий қатламларни стратиграфиясини, топилмаларни, ёдгорликлар ёшини аниқлашда ва бошқалар).

Битирув малакавий ишининг объекти тавсифи: Қарши воҳасининг антик даври Ерқўрғон археологик ёдгорлиги.

Бу ҳақда Р.Х. Сулаймоновнинг илмий тадқиқотлари ва улар натижасида юзага келган “Древний Нахшаб” (“Қадимги Нахшаб”) монографиясида қадимий Ерқўрғон шаҳри харобалари Қашқадарё воҳаси шаҳарларининг онаси сифатида эътироф этилган. Шу билан бирга Ерқўрғон Қарши воҳасидаги бошқа шаҳарларга ўхшамаган, ўзига хос илк шаҳар сифатида ҳам қайд этилган. Шаҳар илк темир асрдан (мил.ав.IX-VIII) то шаҳарнинг сарой, мақбара, арк ва ички ҳолда ташқи деворлари бунёд этилган. Милоддан аввал III асргача бўлган даврининг тўрт босқичи ҳақида маълумотлар келтирилган (Сулаймонов Р.Х. Древний Нахшаб. Самарқанд; Тошкент: Фан, 2000.). Р.Х. Сулеймановнинг фикрича, Ерқўрғон Қарши воҳасидаги пойтахт шаҳарлардан бири бўлган. Кейинчалик Нахшаб ва Қарши шаҳарлари тараққиёти учун пойдевор ҳисобланган.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари: Р.Х. Сулейманов томонидан олиб борилган археологик тадқиқотлар ва ёзма тарихий маълумотларини умумлаштириш, Ерқўрғон ёдгорлиги мисолида Нахшаб воҳаси тарихини янги саҳифаларини ёритиш учун қуйидаги мақсад ва вазифалар белгиланди:

- Р.Х. Сулейманов раҳбарлигида Ерқўрғон ёдгорлигида олиб борилган археологик изланишлар натижаларини таҳлил қилиш, уларни ёзма манбалар маълумотлари билан солиштириш;
- Айрим илмий тўламларда ва кўп сони тарқоқ мақолаларда ўз аксини топган манбаларни ва маълумотларни чуқур ўрганиб, Ерқўрғоннинг Нахшаб воҳасидаги муҳим ва йирик маданий шаҳар сифатидаги тарихини ёритиш;
- Р.Х. Сулейманов тадқиқотларининг антик давр тарихида тутган ўрни ва аҳамиятини янги асосда ёритиш;

Мавзуни ўрганиш даражаси: Р.Ҳ. Сулейманов кўп йиллар мобайнида Қарши шаҳри тарихини ўрганиш борасида кенг қамровли илмий тадқиқотларни амалга оширди.

Р.Ҳ. Сулейманов XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб Ўзбекистон ФА. Археология институтининг Қашқадарё экспедициясига раҳбар бўлиб Қарши шаҳрида олий мақсадни кўзда тутган ҳолда қазилма ишларини бошлаб юборди.

Турли йиллардаги изланишлар якунлари Р. Х. Сулаймонов илмий асарларида ўз аксини топган.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги: Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги шундан иборатки, ушбу ишида Р.Ҳ. Сулейманов томонидан амалга оширилган археологик тадқиқотлар натижаларини, чоп этилган турли хил маълумотларни умумлаштириб, Қарши воҳаси антик даври тарихини янгича ёндошув асосида ёритишга ҳамда Ерқўрғон ёдгорлигида олиб борилган археологик қазув ишлари ва уларнинг натижалари аниқ тарихий жиҳатдан жамланган ҳолда ўрганишга ҳаракат қилинган.

Битирув малакавий ишининг тузилиши: Ушбу битирув малакавий иши кириш, икки боб, тўрт бўлим, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова қисмларидан иборат.

I БОБ. Р.Х. СУЛЕЙМАНОВ ТОМОНИДАН ҚАРШИ ВОҲАСИ ҚАДИМГИ ДАВРИ АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

1.1 Нахшаб воҳаси археологик ёдгорликларининг ўрганилиш даражаси

Қадимги Нахшаб – Ўрта асрлардаги Насаф – ҳозирги Қарши азалдан Марказий Осиёнинг кўҳна шаҳарларидан биридир. Яқинда Афғонистонда милоддан аввалги IV асрга оид оромий тилидаги муҳим ҳужжатларнинг топилиши ва уларнинг текширилиши натижасида бу вилоятнинг қадимги номи Никшапа шаклида берилгани, бундан унинг юнонча Ксениппа номи келиб чиққани аниқланди.¹

Тарихий манбаларда «Нахшаб», «Насаф», «Қарши» сўзлари аралаш ҳолда, кўпинча бир шаҳарнинг турли номлари сифатида қўлланилади. Масалан, акад. В.В.Бартольд «Еттисув тарихи очерклари» асарида Чигатой хонларидан бўлган Кебекхон (Кепакхон) ҳақида гапириб, «унинг пойтахти Нахшаб шаҳри бўлиб, унинг давридан Қарши, яъни «сарой» (Кебек ўзи учун бу шаҳардан 2,5 фарсах, яъни 15 чақиримга яқин масофада сарой курдирганди) номини олган эди», деган эди. Кебекхон курдирган сарой – қаср атрофи гавжумлашиб, шаҳар тусини олади, шу тариқа Қарши қадимий Заҳоки Марон шаҳри ўрнида вужудга келади. Академик В.В.Бартольд «Туркистон маданий ҳаёти тарихи» асарида бу ҳақда аниқроқ қилиб, «Кебек ўзи учун сарой курдиради, Қарши шаҳри аввалги Нахшаб ёки Насаф ўз номини шундан олади», дейди.²

Никшаб ёки Ксениппа вилояти милоддан аввалги 328 йилнинг ёз ёки кузида Александр Македонскийнинг Сўғдиёнага иккинчи марта юриши чоғида ишғол қилинган. Квинт Курций Руф Ксениппани қишлоқлар зич жойлашган вилоят сифатида қайд этади.³

¹ Ртвеладзе Э. В., Бураков Ю. Ф., Сулаймонов Р. Х., ва б. Қарши. Т.: Маънавият, 2006. 4-5 б.

² Сулеймонов Р.Х. Древний Нахшаб Самарканд ; Тошкент: Фан 2000 28-бет

³ Зимин Л.А. Нахшаб. Несеф, Карши-из истории и древности Т.1927 197-бет

Ушбу маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, шуни айтиш мумкинки, милоддан аввалги VI-IV асрларда Нахшаб ривожланган, аҳолиси энг кўп вилоят, Ўрта Осиёдаги Икки дарё оралиғида жойлашган энг катта шаҳарлардан бирига айланган. Ерқўрғон шаҳарчаси эса унинг маркази бўлган.¹

Рўдаксий бўйида милоддан аввалги асрларда қад ростлаб турган Нахшаб- 1 Александр Македонский босқини сабаб вайрон бўлади ва пойтахтлик мавқеини йўқотади. Янги Нахшаб- Нахшаб- 2 аввалги ўрнидан тўрт чақирим жануброқда, дарё бўйида қад ростлайди. Янги Нахшаб милоднинг IV-V асрларига юксала бошлайди. Шаҳар кенгайиб, дарёнинг икки қирғоғида аҳоли яшайди.²

Қадимшунослар Нахшаб обидаси билан ўтган аср ўрталаридан бошлаб қизиқа бошлаган. Туркистон руслар томонидан истило қилингандан сўнг унинг қадимий осори – атиқаларини ўрганиш ишлари жадал давом этади. Бу ўрганиш илмий манфаатлардан ташқари бошқа ғаразли мақсадларни ҳам кўзлаган эди. М. С. Андреевнинг «Тўғарак аъзоси Н. Ф. Ситниковскийнинг Шахрисабз ва Китобдан олиб келган қабр тошларидаги битиклар рўйхати таржимаси» деб номланган мақоласида Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги аъзоларидан қадимшуносликка қизиққан рус зиёлилари билан бир қаторда улар орасида бебаҳо қадимият осори – атиқаларини ташиб кетадиганлари ҳам бўлгани айтилади. Туркистон подшоҳлик Россияси томонидан босиб олингандан ярим аср кейин, 1916 йилда Қарши шаҳрига Туркистон қадимшунослик ҳаваскорлари тўғарагининг аъзолари Л. А. Зимин ва И. Кастаньелар келишади. И. Кастаньенинг Заҳоки Марон ва «йирик қадимий шаҳар харобаси» хусусидаги ахбороти жуда юзаки кузатувлар натижаси эди. Л. А. Зиминнинг мулоҳазаларида ёзма манбаларга мурожаат қилиш, аҳоли «Ерқўрғон» атаган Нахшаб тарихини ёритишда уларга таяниш диққатга лойиқ. У Шуллиуктепанинг ўрта асрлардаги Насаф шаҳрининг ўрни

¹ Ртвеладзе Э. В., Буряков Ю. Ф., Сулаймонов Р. Ҳ., ва б. Қарши. Т.: Маънавият, 2006. 10-136

² П. Равшанов, Қарши тарихи. Т.: «Янги аср авлоди», 2006, 126 б

эканлигини тахмин қилади.¹ 1916 йилги илк кузатувлар фан оламига Нахшаб ҳақида дастлабки маълумотни бериши билан аҳамиятли.

1946-1948 йилларда республика Фанлар Академиясининг тарих ва археология институти Қарши ва яқин туманларда қазув-текширув ишларини ўтказади. Қашқа воҳасининг қуйи қисмида 70 га яқин ўтмиш ёдгорликлари ҳисобга олинади. Дастлабки тадқиқот ишлари Кожартепа, Мудинтепа ва Ерқўрғон ҳудудларида ўтказилади.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг С. К. Кабанов Нахшаб воҳаси археологик ёдгорликларини ўрганишга киришади. С.К.Кабанов ўзининг илмий изланишларига қуйидагиларни асос қилиб олди:

- топономикага оид маълумотлар тўплаш;
- воҳа шаҳарлари қурилишини ўрганиш;
- Нахшаб халқининг тарихи, маданияти ва савдо-пул муносабатларини ўрганиш;
- воҳанинг этник қатламлари ўрганиш.

Иккинчи жаҳон урушидан олдин Ўзбекистондаги қадимият ёдгорликларини ўрганиш асосан Самарқанд, Хоразм ва қисман Сурхондарё, Бухоро вилоятларида олиб борилган эди. Урушдан олдинги йилларда Қашқадарё воҳаси, унинг ўтмиши, тарихий обидалари қадимшунослик илмининг эътиборидан четда қолган эди. Кейинчалик, Қашқадарё обидаларини ўрганишга жуда катта меҳнати сингган археолог С.К.Кабанов шундай деган эди:

«Қашқадарё воҳасига, ўз тарихи ва обидалари билан машҳур бўлган Зарафшон ва Амударёнинг ўрта оқими воҳаларидан фарқли ўлароқ, қадимий ва ўрта сарлардаги давлат тузилмаси бўлган вилоят сифатида қаралди. Унинг қадимий обидаларига етарли эътибор берилмади. Аста-секинлик билан ўлканинг бой ўтмишини очиб берувчи қадимшунослик ишлари олиб борилди».²

¹ Бартольд В.В. история культурной жизни Туркистана. Соч 11 Ч.1.М: Наука, 1963. 263-бет

² Кабанов С.К. Нахшеб на рубеже древности и средневековья (III-VII вв.), 1977. 3-бет

Урушдан кейин республика Фанлар академиясининг тарих ва археология институти Қашқадарёнинг ўтмиш обидаларини ўрганишни ва тадқиқ этишни режалаштиради. 1946 йилдан бошланган иш ўз натижаларини беради. Археологик тадқиқотлар асосан қуйи Қашқадарёда олиб борилади. Археологик қазув ишларининг дастлабки самаралари ҳақида С.К.Кабановнинг мақола ва ахборотлари эълон қилинади. 1947 йилда унинг Ўз ССР Фанлар академияси бюллетенида «Кўҳна Фазли шаҳридан топилган Сэнмурва тасвири» мақоласи босилади. Шу йили унинг «Қашқадарёнинг қуйи қисми ёдгорликлари архитектура тавсифи» ҳисоботи ёзилади. 1946-1948, 1952-1953, 1964-1967 ва 1970-1972 йиллар давомида Қашқа воҳасида 12 бор қазув мавсумини ўтказган С.К.Кабанов 50-60 йилларда, шунингдек, 70-йиллар бошида Қашқадарё қадимиятига бағишланган кўпгина мақолалар, рисоалар эълон қилишга муваффақ бўлади.

Қашқадарёнинг қуйи қисмида нисбатан қисқа фурсатда ўтказилган қадимшунослик изланишлари катта натижалар беради. С.К.Кабанов 1953 йилда археологик далилларга асосланган ҳолда, III-VIII асрлардаги Нахшаб ҳақида номзодлик диссертациясини ниҳоясига етказди. Нахшаб ва унинг теvarак атрофидаги ёдгорликларни мунтазам ўрганиш натижасида 1977 йилда унинг «Нахшаб қадимда ва ўрта асрларда (III-VII асрлар)» номли рисоласи, 1981 йилда эса «III-VI асрларда жанубий Сўғд қишлоқ манзиллари маданияти» деган китоблари нашр этилади. Умуман, С.К.Кабанов Қашқадарё археологиясига доир 30 дан зиёд илмий ишлар муаллифидир.¹

1946 йилда бошланган археологик тадқиқотлар асосан, қуйи Қашқадарёда олиб борилди. Археологик қазув ишларининг дастлабки самараси ҳақида С.К. Кабановнинг мақола ва ахборотлари эълон қилинади. 1947 йилда унинг Ўз ССР Фанлар академияси бюллетенида «Кўҳна Фазли шаҳридан топилган Сенмурва тасвири» мақоласи босилади. С.К.Кабанов Кўҳна Фазли шаҳрида 2 та шурф ташлаш асосида қазишма ишларини олиб

¹ П.Равшанов. Қарши ва Кеш тарихи манбалари. Қарши: 2005. 12-13 бетлар

борди. Шаҳар харобаларидан сопол буюмлар билан биргаликда Сенмурв – афсонавий ит-кушнинг тасвири туширилган ғишт парчалари топилган. Унинг тахминича, бу парчалар VII-VIII асрларга оид архитектура иншооти девор коплмасининг парчаларидир. Шунга асосланиб, С.К.Кабанов Безданинг шаҳар сифатида намоён бўлиш санасини VII-VIII асрлар деб белгилади. С.К.Кабанов қадимги Касби шаҳри харобаларида ҳам қазилма ишларини олиб борди. Шаҳарнинг энг қадимий қисми кўхандиз бўлиб, шаҳристон IX-X асрда ривожланган.¹

1946-1948 йилларда Қашқа воҳасининг қуйи қисмида 70 га яқин ўтмиш ёдгорликлари ҳисобга олинади. Дастлабки тадқиқот ишлари Кожартепа, Мудинтепа ва Ерқўрғонда олиб борилди.²

1946 йилнинг кузида Амударё экспедицияси аъзолари А.И.Тереножкин ва Л.И.Альбаум Қарши воҳасида археологик қидирув ишларини олиб бордилар. Уларга Қарши чўлидаги сунъий суғориш тармоқларини ўрганиш ва Эски Ангор каналининг табиий ёки сунъий суғориш иншооти эканлигини аниқлаш вазифаси юклатилган эди. Канал ўрганилиб, Дарғом каналидан оқиб келувчи қадимий канал ўзани эканлиги аниқланди.

XX асрнинг 40-йилларида Нахшаб воҳасининг археологик ёдгорликлари ўрганилиши Қарши – Зарқаноқ (Касби) йўли оралиғида амалга оширилди. Бу ерда жами 27 та археологик ёдгорлик ўрганилган бўлиб, уч турга бўлинади:

- а) икки қават тепаликлар кўринишидаги қалъалар;
 - б) баланд тепаликлар кўринишидаги икки-уч қатор девор билан ўралган қалъалар;
 - в) муҳофаа девори билан ўралган шаҳарлар;
- А.И. Тереножкин фикрича, бу ёдгорликлар араблар истилосига қадар

¹ Н.Ражабова Археологические работы в долине Кашкадарьи

² П.Равшанов. Қашқадарё тарихи. Т.: 1999, 112 б. Кашкадарьи Диссертация 2006 44-б

мавжуд бўлган, баъзилари X асрда йирик манзилгоҳга айланган. Воҳанинг инқирозга юз тутиши мўғул истилоси билан боғлиқ бўлиб, бу даврда деҳқончилик ва суғориш тармоқлари тамоман таназзулга учради. Бу даврда воҳада ўтказилган археологик қидирув ишлари мобайнида муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлган маълумотлар тўпланди. Масалан, Кофиртепадан Юнон-Бактрия даврига оид манбалар топилган. И.К.Тереножкин Кўҳна Фазли шаҳри харобаларини ўрганиб, шаҳарнинг милoddан аввалги X асрда Турк ҳоконлигининг маркази бўлганини аниқлайди.¹

1948 йилда Қарши воҳасида олиб борилган археологик изланишлар уч асосий қисмга бўлинади:

- 1) Қашқадарёнинг қуйи қисмидаги археологик қидирув ишлари;
- 2) Мудинтепадаги стратиграфик кесим;
- 3) Ерқўрғон шаҳридаги қазилма ишлари.²

XX асрнинг 60-йилларига келиб Нахшаб воҳаси ўтмишини тадқиқ этиш ишларига М.Е.Массон, А.Асқаров, З.И.Усмонова сингари таниқли олимларнинг жалб этилиши катта илмий самара берди. 1963-1964 йилларда Тошкент Давлат университетида Кеш археология ва топография экспедициясининг ташкил этилиши, унга М.Е.Массоннинг раҳбарлик қилиши Қашқадарёнинг қадимий ёдгорликларини текшириш, уларнинг тарихий аҳамиятини очиқ беришни жонлантириб юборди.

Қадимшунос олима З.И. Усмонова ТошДУ археология кафедрасида ўтган асрнинг 60-йиллари бошларида мустақил археологик экспедициялар ташкил этиш масаласи кун тартибига қўйилганлиги, бунда асосий ўрганиш минтақаси сифатида Қашқадарё воҳаси танланганлиги ҳақида шундай фикр юритади: «Кафедра ҳузурида мустақил археологик экспедиция ташкил қилиш масаласи кўндаланг бўлди. Бунда археологик жиҳатдан кам текширилган Қашқадарё вилояти танланди. Чунки бу вилоят қадимий

¹ Тереножкин А.И. Археологическая рекогносцировка в западной части Узбекистана ВДИ 1947 №2 185-190

² Ражабова Н Археологическая работы в долине Кашкадарьи 2006. 45-46 б

Сўғднинг жанубий қисми (Кеш, Насаф) бўлиб, ёзма манбаларда зикр этилган эди». КАТЭ 1963-1966 йиллар давомида профессор М.Е.Массон раҳбарлигида вилоятнинг қадимий обидаларида кўпгина муҳим қазув ишларини амалга оширади. 1973 йилда М.Е.Массоннинг «Қашқадарёнинг қуйи вилояти қадим замонлар пойтахт шаҳарлари» деган рисоласи майдонга келади. 1960 йилдан эътиборан Қашқадарёнинг қадимий обидалари археологиясини ўрганиш тобора кенг камровли тус ола бошлайди. Қадимшунослар, санъатшунослар жанубий воҳанинг ҳали қўл урилмаган осори-атиқаларини қунт ва сабот билан тадқиқ этишга киришадилар. Н.П.Столярова, Р.Р.Абдурасулов, Л.И.Ремпель, Л.Л. Букинич, В.Д.Букинич, В.Д.Жуков, У.Исломов, Н.И.Крашенникова, С.Б.Лунина, Л.Ю.Маньковская каби тадқиқотчилар Қашқа воҳасининг кечмиши ва қадим маданияти ҳақида фанга сезиларли янгиликлар олиб кирдилар.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Қашқадарё заминидаги қадимий обидаларни ўрганишнинг маълум даражада жадаллашувига бу воҳада амалга оширилиши мўлжалланаётган суғориш билан боғлиқ улкан режалар сабаб бўлади. 1946-йилдаёқ ариқ ва анҳорлар қазилиши кўзда тутилган жойлардаги қадимиятга дахлдор манзилларни тезкор текшириш ва аниқлаш учун А.И.Тереножкин ва Л.И.Альбаум каби қадимшунослар сафарбар этилади.¹ 1954 йилда Қарши чўлига Зарафшон дарёсидан сув олиш учун Эски Ангор каналини, Қашқадарёнинг ўрта оқимида Чимқўрғон сув ҳавзасини барпо этиш муқаррар бўлади. Бўлажак сув иншоотлари ҳудудидаги тепаликлар, қадим манзиллар ўринлари тезкор кўздан кечирилади. Бу иш Қашқадарё заминида катта тажриба орттирган С.К.Кабановга топширилади. Чимқўрғон сув ҳавзаси ишғол этадиган майдон анча катта ҳажмга эга бўлиб, сув остида милoddан аввалги асрларга тааллуқли ёдгорликлар қолиб кетиши мумкин эди. Шунга кўра, ҳавза ҳудудидаги обидаларни жадал текширишдан

¹ П.Равшанов. Қарши ва Кеш тарихи манбалари. Қ.:2005. 13-15 бетлар

ўтказиш мақсадида бу жойда 1955-1957 йиллар мобайнида Ўзбекистон Фанлар академиясининг тарих ва археология институти махсус экспедицияси иш олиб боради.

Қашқадарёниг қуйи қисми 60-йилларга келиб ёппасига ўзлаштирила бошланди. Қарши чўлини суғориладиган ерларга айлантириш режаси амалга оширилади. Қарши шаҳрининг шарқий этагида қурилиш корхоналари, заводлар, ўнлаб саноат муассасалари қад ростлай бошлайди.¹ 1965-1967 йилларда биргина қурилиш корхонаси ҳудудида ўн битта ёдгорлик қазиб ўрганилди.²

1970-1972 йилларда ЎзФА археология институти Қарши бош анҳори кесиб ўтадиган майдонлардаги ёдгорликларни кўздан кечирази ва ўрганиб чиқади. Бу изланишлар натижасида Қўштепа, Хўжалитепа ва Полвонтепа муфассал тадқиқ этилади. 1973 йилдан бош анҳор ҳудудидаги археологик қазилма ишларига Р.Ҳ.Сулаймонов бошчилик қилади. Олим 70-йиллардан 90-йилларга қадар Қашқадарёда мунтазам илмий-текшириш ишларини олиб боради. 70-йиллар Қашқадарё археологияси тарихида кўтарилиш даври бўлди. Республика археологларининг бутун бошли плеядаси воҳанинг қадимий обидаларида кенг кўламли илмий-тадқиқот ишларини амалга оширадилар. 1976 йилда Қашқадарё воҳасида археологик тадқиқотлар бошланганига ўттиз йил тўлади. Ўттиз йил давомида Нахшаб, Заҳоки Марон қалъаси, Шулликтепа, Субах, Базда, Касби, Қаландартепа сингари қадимий шаҳарлар, қўрғонлар, кўҳна манзиллар очилади.³

1973 йилдан 90-йиллар бошига қадар ўтказилган археологик тадқиқот ишлари қуйидаги мақсадларда амалга оширилди:

1. Қадимги Сўғд шаҳарларининг қурилиши, илк ва қадимги давр шаҳар қурилишининг ўзига хос хусусиятлари, аҳоли турар жойлари жойлашуви,

¹ П.Равшанов. Қарши тарихи. Т.:2006., 19-бет

² С.К.Кабанов. Нахшеб на рубеже древности и средневековья (III-УП вв.), Т., «Фан», 1977, 3-бет.

³ П.Равшанов. Қарши ва Кеш тарихи манбалари. Қарши. «Насаф». 2005. 20-бет

турар жойларнинг шаклланишида хунармандчилик ва савдо-сотиқнинг аҳамиятини ўрганиш ҳамда жамоат, маъмурий ва диний иншоотларни таснифлаш;

2. Нахшаб воҳаси қадимги шаҳарларининг фортификацияси, шаҳар мудофаасининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

3. Қадимги Нахшабнинг манзилгоҳлари ва қишлоқларини ўрганиш. Қарши воҳасидаги Киндиклитепа манзилгоҳи ва Ғузор воҳасидаги Қўрғонча манзилгоҳида М.Хасанов, илк ўрта асрларга оид Кунжутлитепа ва Коштепада А.А.Раимқулов, Касантепада М.Тўрабеков ва М.Хасановлар қазишма ишлари олиб бордилар.

Нахшабнинг ўрта асрларга оид ёдгорликлари, асосан қадимги мўғуллар давлатининг пойтахти-Насаф шаҳри харобалари Б.Д.Кочнев ва унинг ўқувчиси М.Шпенева томонидан қазиб ўрганилган. Кейинчалик 1973-1983 йиллар оралиғида Б.Д.Кочнев, 1983 йилда М.Тўрабеков, М.Хасанов, М.Исамиддиновлар томонидан ўрганилди. Воҳанинг турли даврларга оид моддий маданиятини ўрганиш, қадимги шаҳарларнинг мудофаа иншоотлари, улардан топилган моддий ашёларни даврлаштириш ва таққослаш борасида экспедиция аъзолари аҳамиятли ишларни амалга оширдилар. Нахшаб воҳаси шаҳарлари мудофаа тизимининг ривожланиш даврлари М.Тўрабековнинг илмий изланишларида ўз аксини топган (1990). М.Хасанов ва Е.А.Раимқуловларнинг илмий ишларида Нахшаб воҳасининг қадимги ва ўрта аср қишлоқлари тузилишини таснифлаш масалалари кўриб чиқилди (1990,1992).¹

С.К.Кабанов Қашқадарёнинг қуйи қисмида ўрганилган манзилларни тўрт қисмга бўлиб даврлаштиради:

-V-VI асрга қадар вужудга келган қадимий шаҳар ва қишлоқлар, улар сони 59 та;

-қадимий, ўрта асрлар қатлами мавжуд, аҳоли манзилининг кенгаймаган кўринишига эга бўлган шаҳар ва қишлоқлар сони 44 та;

¹ Сулаймонов Р.Х. Древний Нахшаб. «Фан». Т.: 2000. 8-9 бетлар.

-қадимий, ўрта аср қатламлари бўлган, аҳоли манзилининг кенгайиши кузатиладиган ўрта аср шаҳарлари ва йирик қишлоқлар сони 14 та;

-VI-VII асрлардан сўнг вужудга келган ўрта аср қишлоқлари сони 6 та.

С.К.Кабановнинг кўрсатишича, Нахшаб воҳасида катта тепаликлар, яъни ўз даврида йирик кишилик манзиллари бўлган кўрғонлар, қишлоқларнинг умумий сони 300 дан ортиқ.¹

М.Х.Исомиддинов ва Р.Х.Сулаймоновлар воҳадаги археологик ёдгорликлар сонини 400 дан ошиқроқ деб кўрсатадилар.²

Қарши воҳасида тўғри тўртбурчакли, минораси бўлган ясси тепаликлар кўп учрайди. Шулардан бир Мудинтепадир. Унинг баландлиги 6-7 м келади, минорасининг баландлиги эса 15 м.га яқин. Бу қадимий шаҳар қолдиғи ўрни 135x110 м. майдонни эгаллайди. Мудинтепада олиб борилган археологик ишлар бу манзилнинг тарихини милoddан аввалги III-I асрлар билан боғлайди. Биноларни қуришда ишлатилган 46x22x8 см. хом ғиштлар яхши сақланган. Обида қуйи қатламидан (ер юзасига қадар 2,5 м.) узун тагли қадахлар топилган. Афросиёбда худди шу хилдаги идишлар санаси милoddан аввалги III-I асрлар деб аниқланган. Мудинтепадан маҳорат билан бажарилган, ялтироқ кулранг ангоб билан бўялган пасти кенг, тик ишланган идишлар ҳам топилган. Бундай сопол буюмлар бошқа ёдгорликларда учрамайди. Топилган сопол буюмлар ёши ушбу ёдгорликнинг милoddан аввалги III-I асрларда вужудга келганлигини белгилашда асосий ашёвий восита бўлади. С.К. Кабанов фикрига кўра, Мудинтепадаги шаҳар милoddан аввалги III асрдан олдинроқ пайдо бўлган ва тараққий қилган. Бу жой йирик манзил сифатида милoddнинг VII-IX асрларигача яшашда давом этган.³

Заҳоки Марон ҳозирги Қарши шаҳри темир йўл станцияси яқинида жойлашган қадимги қалъа-шаҳар харобасидир. Кўҳна шаҳар Заҳоки Марон Ўрта Осиёнинг мустаҳкам шаҳарларидан бири ҳисобланади. Шаҳарнинг марказий қалъаси 100x100 м. ўлчамга эга, баландлиги 15 м. Шаҳар уч қатор

¹ С.К.Кабанов. «Нахшеб на рубеже древности средневековья» (III-VII вв), «Фан», - Т.: 1977, 94-95 бетлар

² Исамиддинов М.Х, Сулейманов Р.Х. Еркурган. «Фан», Т.: 1984. 3-бет.

³ С.К.Кабанов «Нахшаб на рубеже древности средневековья (III-VII)» «Фан» Т.: 1977. 94-95 бет.

калин мудофаа деворлари билан ўраб олинган: биринчи девор 210x210 м. ўлчамдаги майдонни, иккинчи девор 400x400 м. ўлчамдаги майдонни ўраган, баландлиги 8-10 м, пойдеворининг кенглиги 30-40 м. Учинчи девор сақланиб қолмаган бўлиб 1,5x1,5 км майдонни ўраган. Бу қадимги шаҳар ҳақидаги дастлабки маълумотлар машҳур ўлкашунос И.А.Кастанье томонидан фанга киритилган. Шаҳарнинг илк бор 1916 йилда шарқшунос-археолог Л.А.Зимин томонидан ўрганилди. Л.А.Зимин шаҳарни Темурийлар даврига оид деган хато фикрни илгари сурди (Зимин Л.А., 1927). 1942 йилда шаҳарни М.Е.Массон ўрганиб, шаҳар санасини қулдорлик даврига оид деб топди. Урушдан кейинги йилларда С.К.Кабанов шаҳарда археологик қазилма ишларини олиб борди. С.К.Кабанов фикрича, шаҳар милоддан аввалги I асрда шаклланган ва милодий III-IV асрларда қайта қурилган. Бу ёдгорлик воҳадаги энг йирик феодал қасри ҳисобланиб, икки қатор мудофаа деворлари билан ўраб олинган, майдони 16 га. С.К.Кабанов фикрича, учинчи девор мавжуд бўлмаган.¹

Заҳоки Марон қалъаси ташқи айлана деворининг кенглиги 30 м, баландлиги эса 7 м. бўлган. Девор ташқариси тик кўтарилган, ич томони нишаб қилиб ишланган. Ташқи деворнинг шимол тарафи ўртароғида 25 метрлик узилиш бор. Ҳозирги вақтда бу ораликдан ариқ ўтказилган. Вақтида бу жойда қалъа дарвозаси бўлган. Ички девор тўртбурчак шаклида, сув тўлдириладиган хандақ ёқалаб кўтарилган. Унинг баландлиги 9,5 м. келади. Қаср ёдгорликнинг ўртасида жойлашган. У ҳам тўртбурчак тарҳга эга бўлиб, ер сатҳидан 14 м. баландликда жойлашган. Ички деворнинг шимолий қутбида қасрга олиб борадиган кўтарма йўл сақланиб қолган. Қадимшунослар фикрига кўра, дастлаб қасрдан ва уни ўраб турадиган девордан қарийб 70 м. нарида улуғвор ташқи девор қурилган. Бу маҳобатли ташқи девор ичкарасида уй-жойлар вужудга келган. Заҳоки Марон қалъаси пахса ва хом ғиштдан турли даврларда қурилган биноларга эга. С.К.Кабанов

¹Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. «Фан» Т.: 2000. 26-27 бет

деворларга ишлатилган ғиштларнинг милонинг биринчи асрига, яъни кушонлар даврига оидлигини аниқлаган. Ташқи девор тагини ковлашда юпқа кувача топилган. Заҳоки Марон қалъасидан топилган сопол буюмлар орасида коса синиқлари, исирикдон бўлаклари ва ботиқ нақшлари бўлган қопқоқлар мавжуд. Бу ашёлар ташқи деворнинг III-V асрларда вужудга келганлигини асослашга манба бўлган. Қаср эса ундан анча олдин пайдо бўлган ва унинг ёши милондан олдинги асрларга бориши далолат этилган.

Заҳоки Марон қалъаси воҳада нисбатан тўлароқ сақланиб қолган қадимий қаср вайронаси ҳисобланади. Айлана деворлар, мудофаа иншоотлари қадимий манзилнинг салобатини гавдалантиради. Қалъа харобалари остидан X-XI асрларга таалуқли сопол идишлар намуналари топилган, бу эса шу жойда ҳаётнинг нисбатан кейинги асрларда ҳам давом этганлигини кўрсатади. Кейинчалик, Чингизхон наслидан бўлган Кебекхон 1318 йилда Заҳоки Марон қасри ўрнида ўзининг Қарши деб аталган саройини куради. Заҳоки Марон қалъаси ўрни Қарши темир йўли шоҳбекатига яқин жойда, бозорнинг орқа тарафидадир.¹

1966 йилда М.Е.Массон бошчилигидаги Кеш археологик-топографик экспедицияси шаҳарни археологик жиҳатдан ўрганди. М.Е.Массон шаҳарнинг учинчи девори ҳам мавжуд бўлганини қайд этади. Шаҳарнинг марказий қисмида аҳоли жойлашуви милоний I асрларда рўй бериб, илк феодализм даврида мудофаа иншоотлари қурилган. Олимнинг фикрича, Қуйи Қашқадарё ҳудудида илк ўрта асрнинг энг йирик шаҳри Заҳоки Марон қалъаси бўлган. Шаҳарнинг девор билан ўраб олинган асосий қисми 16 таноб жойни эгаллаган. Иккинчи девор билан ўраб олинган ҳудуд қўшилса, қалъанинг умумий майдони 2,25 кв.км. Заҳоки Марон қалъасининг гуллаб-яшнаган даври V-VIII асрларга тўғри келади. Проф. М.Е.Массон бу жойни Нахшаб деб таърифлайди.²

¹ Сулеймонов Р.Х. Древний Нахшаб Самарканд; Тошкент: Фан 2000 26 бет.

² Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. - Т.: 1973. 28-бет.

Қалъаи Заҳоки Мароннинг муҳофаа деворларини М.Тўрабеков алоҳида ўрганиб чиққан. Унинг аниқлашича, девор бир неча қатор пахсадан қурилган, пойдеворининг кенглиги 10-11 м, деворнинг 2,5 м. устки қисми сақланиб қолган.¹

Бу ердан милоддан аввалги I асрларга оид сопол парчалари топилган. С.К.Кабанов ва П.Лериш Заҳоки Марон қалъасининг учинчи девори мавжуд бўлмаган деб ҳисоблайдилар. Шаҳарнинг шаҳристон қисмида Ш.А.Раҳмонов, М.Х.Исамиддинов, А.А.Раимқуловлар қазилма ишларини олиб борган. Ўтказилган қазилма ишлари натижасида қалъа маркази юқори қисмининг жануби-ғарбидан VII-VIII асрларга оид кичик илк феодал қасри қолдиқлари топилган. Қалъанинг жануби-ғарбий қисмида ёнма-ён жойлашган турар жойлар мажмуи, девор бўйлаб жойлашган 3,5x4,5 м. ўлчамдаги супаларга эга, уч томонидан йўлаклар билан ажратилган баланд ибодатхона жойлашган. Ибодатхонанинг шимол, жануб ва ғарб томонларида ўчоқлар қурилган зич хўжалик ва турар жой бинолари жойлашган. VII-VIII асрларда бу мажмуа қайта қурилган. Учинчи қурилиш даврида ибодатхона марказидан узунлиги 2м ва баландлиги 50 см келадиган меҳроб топилди. Иккинчи қурилиш даврида шаҳарнинг иккинчи деворигача бўлган қисми таъмирланган.IV-V асрлардан бошлаб шаҳарнинг учинчи девори ўз аҳамиятини йўқотган.²

¹ Тўрабеков М. Оборонительные сооружения древних городов и поселений Согда.- Нукус: Каракалпакстан.1990. 41-бет.

² Сулаймонов. Р.Х. Древний Нахшаб.-Т.: 2000. 27-28 бетлар.

1.2. ЕРҚЎРҒОН ЁДГОРЛИГИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ ТАРИХИ

Милоддан аввалги иккинчи минг йиллик охири ва биринчи минг йиллик бошларида Ўрта Осиёда турли қабилалар ва халқларнинг кенг қўламли кўчиши илк темир даврининг бошланиш даври сифатида ўрин олган. Бу даврда Ўрта Осиёнинг асосий тарихий-маданий ҳудудлари – Бактрия, Марғиёна, Сўғд, Хоразмда дастлабки шаҳарлар – деҳқончилик воҳаларининг марказлари пайдо бўлади. Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида қадимги сўғд элати ва Қашқадарё водийси кирадиган Сўғдиёнанинг ўтроқ деҳқончилик маданияти шаклланади. Қашқадарёда милоддан аввалги биринчи асрнинг бошида иккита асосий воҳа – Қарши ва Шахрисабз воҳалари шаклланади. Александр Македонский билан юртимизга келган юнон тарихчилари милоднинг IV асри охирида Қашқадарё водийсидаги иккита тарихий–маданий вилоят – Наутака ва Никшапани эслаб ўтадилар.¹

Ҳозирги Қарши шаҳрига XIV аср бошларида асос солинган. Бироқ, Қаршининг шаҳар сифатидаги тарихи анча олдин бошланган ва у ҳақдаги манбалар милоддан аввалги биринчи минг йиллик бошларига бориб тақалади. Археологик тадқиқотлар давомида аниқланишича, Қарши шаҳри Шайхали маҳалласидан 2 км. шимолда жойлашган Ерқўрғон шаҳарчаси милоддан аввалги VIII-VII асрларда пайдо бўлган.²

Милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталарида Қашқадарё воҳасида ўтроқ аҳолининг бир неча жойлашув ҳудудлари шаклланади. Бу ҳудудлардан бири Ерқўрғон эди.³

Қадимги юнон муаррихлари Александр Македонскийнинг Ўрта Осиёга юриши ҳақида ҳикоя қилганларида, Сўғд ва унинг жанглари кечган вилоятлари ҳақида сўзлаб ўтадилар. Арриан бу ҳақда: «Бессга Александр

¹ Ртвеладзе Э.В., Буряков Ю.Ф., Сулаймонов Р.Ҳ, Қарши. Т.: «Маънавият». 2006. 34-35 б.

² Ойф фсф 34-35 ,тп

³ Эшов Б.Ж. Милоддан аввалги VII-IV асрларда Сўғдиёна тарихи ва маданияти. Т.ф. номзодлиги дис. 1999. 59-б.

яқинлашиб қолганлиги айтилганида, у Оксдан сузиб ўтади, қайиқларни эса ёндириб, Сўғд ерига, Навтоққа кетади», дейди.

Нахшаб қадимий тарихий манбаларда ва ҳозирги тадқиқотларда икки маънода – бирида вилоят, иккинчиси шаҳар номи сифатида тақдим этилади. Сўғд билан боғлиқ шу воқеадан икки йиллар чамаси юз берган юришлар ҳақида сўзлаган Квинт Курций Руф эса, «Шоҳ ўз қўшини билан Нахшаб деб аталган вилоятга етиб келди», деб ёзади. Ҳар иккала муаррихдан бир канча вақт олдин яшаган сицилиялик Диодор Александр Македонскийнинг Сўғд тупроғидаги ҳарбий ҳаракатлар ҳақида сўзлаганида, унинг «Нахшаб қабиаларига қарши юриш» қилганини айтади. Диодор «Нахшаб қабиалари», деганда вилоят ва унинг аҳолисини кўзда тутди.¹

С. Б. Лунина: «ҳозирги вақтда Наутака харобасини Марказий Осиёнинг энг катта шаҳарларидан бири – Ерқўрғон деб қарашга барча асослар етарли, чунки унинг ўрнида антик давр Сўғд шаҳрига хос бўлган маданий қатламлар сақланиб қолган», деган изохни беради.² Қашқадарё вилоятининг қуйи қисмида ўтмиш обидаларини аниқлаш ва тадқиқ этиш бобида узоқ йиллар изланишлар олиб борган археолог олим С.К.Кабанов ёзишича, ёзма манбалардаги икки вилоят – Наутака ва Ксениппа, воҳанинг юқори ва қуйи қисмидаги икки қадимий деҳқончилик водийлари – Шахрисабз ва Қаршига тўғри келади. Бироқ, бу номларнинг ҳозирги жойларига тўғри келиши масаласида тадқиқотчиларнинг қарашларида тафовут бор. Олдин Наутака воҳанинг юқори қисми, Ксениппа эса қуйи қисми, деган нуқтаи назар босим эди. М.Е.Массон эса бунга зид фикрни қўллаб-қувватлайди, яъни, унингча, Ксениппа воҳанинг юқори қисми, Наутака бўлса қуйисида жойлашган. Археолог олим бунда Нахшабнинг қуйи вилоятнинг асосий шаҳри Ерқўрғон харобаси ўрнига тўғри келишини ҳам қайд этади.

Кешк руд (Кешки руд, Кешк руд) – Кеш орқали келадиган дарёнинг ўрта оқимида, деҳқончилик ерларига сув чиқаришга қулай жойда, Рўдаксой

¹ Ртваладзе Э.В. Этюд по исторической географии Бактрии и Согдианы во время похода Александра Македонского ВДИ 2000 №4 104-112 бет

² Лунина С.Б. Города южного Согда в VII-XII вв Ташкент «Фан» 1984, 127-бет

деб аталган ўнг қирғоқ бўйида кичик манзил тариқасида вужудга келган жой аста-секин асосий қалъа шаҳар мақомини олади. Қалъа сув назорати эҳтиёжидан пайдо бўлганлиги сабабли, тез кенгая боради. Дарё бўйида вужудга келган бу манзил Нахшаб деган номга эга бўлади.¹

Ўтмиш тарих зарварақларига назар ташланса, Жанубий Ўзбекистон ҳудудидаги азим дарё – Қашқадарёнинг ўрта ва қуйи оқимларида милоддан аввалги асрларда бир қанча қўрғон ва шаҳарлар мавжудлиги маълум бўлади. Хитой солномаларидан бири «Бей-шу»да тилга олинган қадимги Наебо, Нашебо ёки Боло шаҳри шулардан бири бўлиб, у Қашқадарёнинг қуйи ҳудудидаги Нашеболо вилоятининг марказий шаҳри ҳисобланган. Хитой манбаларида эслатилган Болога Ерқўрғон шаҳри тенглаштирилса, унда Навтака ҳам Ерқўрғоннинг ўрни бўлиб чиқади. Баъзан Навтак Суйсе билан ҳам тенглаштирилади. Лекин Кеш милоддан олдинги II-I аср ва милодий I-IV асрларда ҳам унча катта қўрғон бўлмаган.

Қуйи Қашқадарёдаги мазкур шаҳарни милодий V асрдан бошлаб маҳаллий сўғдлар Нахшаб (ёритувчи, нур сочувчи) деб аташган. IV-VII асрларга оид Хитой солномаларида Нахшаб (Нашебо, Нашеболо) деб юритилган, шаҳарнинг нуфузи анча оша бошлаган. Таниқли археолог олим М.Е.Массоннинг ёзишича, илк ўрта асрларда дастлаб эфталийлар, сўнгра Ғарбий турк ҳоқонлиги таркибига кирган бу шаҳар пировардида Қалъаи Заҳҳоки Марон деб номланган шаҳар харобаси ўрнида жойлашган. Навтака сўзи асли икки сўздан ташкил топган: нау – янги, ток – гумбаз, равоқ, айвон, иншоот маъносини билдирадиган сўғдий сўз ҳисобланади.²

Қадимги шаҳар Ерқўрғон Қарши воҳаси шаҳарларининг онаси эди. Ерқўрғон илк бор милоддан аввалги VII асрда девор билан ўраб олинган. Девор ҳозиргача сақланиб қолмаган, унинг қолдиқлари 1999 йилда кулоллар маҳалласидан очиб ўрганилган. Милоддан аввалги VI асрда шаҳар кенгайиб, 35 га майдонни қуршаган девор билан ўраб олинган. Бу девор ҳозирги

¹ Сулаймонов Р.Х. Древний Нахшаб. Т.: «Фан», 2000.10-б.

² Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. Т.: «Фан». 1973.5-б

кунгача сақланиб қолган. Милоддан аввалги III-II асрларда шаҳарнинг майдони 150 га бўлган. Милоддан аввалги IV асрларда ҳар иккала девор қайта таъмирланган.¹

1916 йилда Қарши шаҳрига Туркистон қадимшунослик хаваскорлари тўғарагининг аъзолари Л.А.Зимин ва И.А.Кастанъелар келишади. Шаҳар ҳақида илк маълумотлар И.А.Кастанъе ва Л.И.Зиминнинг археологик изланишлар ҳақида берган хисоботларида учрайди. 1927 йилда Нахшаб воҳасида археологик изланишлар олиб бораётган Л.А.Зимин мулоҳазаларида ёзма манбаларга мурожаат қилиш, аҳоли «Ерқўрғон» даб атаган Нахшаб тарихини ёритишда уларга таяниш диққатга лойиқ.² 1946-1948 йилларда республика Фанлар академиясининг тарих ва археология институти аъзолари Қарши воҳасида қазув-текширув ишларини ўтказишади. Бу даврда Қашқадарё заминидаги қадимий обидаларни маълум даражада жадаллашувига бу воҳада амалга оширилиши мўлжалланаётган суғориш билан боғлиқ улкан режалар ҳам сабаб эди. 1946 йилда ариқ ва анҳорлар қазилиши кўзда тутилган жойлардаги археологик ёдгорликларни тезкор текшириш ва аниқлаш учун А.И.Тереножкин ва Л.И.Альбаум сафарбар этилади. Эски Ангор каналини ўрганиш билан боғлиқ равишда А.И.Тереножкин Ерқўрғон ҳудудида текширувлар ўтказади. Шаҳар ҳудудида илк қазилма ишлари 1950 йилда С.К.Кабанов томонидан амалга оширилди.³ 60-йилларда КАТЭ аъзолари шаҳарни синчиклаб ўргандилар. Экспедиция аъзоларининг фикрича, Ерқўрғон Қарши воҳасининг қадимий пойтахти бўлиб, милоддан аввалги I асрда вужудга келган.

1973 йилдан бошлаб Нахшаб – Ерқўрғонда мунтазам илмий-тадқиқот ишлари давом эттирилади. 80-йилларга келиб йилларга келиб бу қадимий шаҳар ўрнида олиб борилган қазилма ишлари ниҳоятда самарали бўлади. Ўтган йиллар ичида олтита кенг қамровли қазув ишлари ниҳоясига

¹ Сулаймонов Р.Х. Древний Нахшаб. Т.: «Фан», 2000.24-б.

² Зимин Л.А. Нахшеб, Несеф, Карши их история и древности. Ташкент 1927 197-214 б

³ Кабанов С.К. Археологические работы в 1948 году в Каршинском оазисы ТИИА АН УзССР I.II.Ташкент 1950 82 бет

етказилади. Нахшаб обидалари мажмуасида ўзига хос ўрин тутувчи ибодатхона тадқиқ этилганда, бу жой беш қурилиш даврини бошдан кечирганлиги аниқланган.

Саҳрони кесиб ўтувчи ягона дарё суви ҳаёт манбаи, деҳқончилик ва чорвачилик манбаи бўлган. Сув бўйидаги кичик қишлоқ атрофидаги поёнсиз тўқайзорлар овчилик учун жуда қулай эди. Нахшабнинг табиатан қулай ерда жойлашганлигининг унинг ривожига катта аҳамиятга эга эди. Нахшаб шахрининг ўсиш ва ривожини айрим олимлар Кушонлар даври билан боғлайдилар. Масалан, П.Лериш «Еркўрғон шаҳарчаси Сўғдиёнада 34 танобли кичик аҳоли манзили бўлиб, қиёс этилаётган Ойхонум даражасига фақат Кушонлар даврида эришди», деган фикрни айтади. Нахшаб шахрининг пайдо бўлиши бу жойда мунтазам илмий-текширишлари ўтказган археологлар томонидан моддий ашёларга, топилган осори атиқаларга асосланиб далолат этилган. М.Ҳ. Исомиддиновнинг «Еркўрғон шаҳарчасидаги бошқа қазув ишлари моддий ашёлари ҳам далолат этгани каби, у милоддан аввалги VIII-VII асрда йирик қадимий деҳқончилик манзили сифатида вужудга келиб, милоддан аввалги VI-V асрларда кескин тараққиётни бошидан кечирди. Бу даврда у шарқий тарафдан қарийб 40 га. майдонни эгаллаган тўрт бурчак шаклидаги номутаносиб, эгри девор билан ўраб олинган.» деган сўзлари диққатни тортади. П.Лериш Нахшаб тараққиётини Аҳамонийлар сулоласининг тарих санасига чиққан даврига боғламайди. Аксинча, Нахшабнинг Афғонистонда юнонлар томонидан қурилган Ойхонум даражасига етиши, яъни юксалиши Кушонлар даврида юз берди.¹

60-йилларда М.Е.Массон бошчилигидаги ТошДУ археологик экспедицияси Еркўрғон шаҳрида қазишма ишларини олиб борди. М.Е.Массон Еркўрғондаги бир неча маданий қатламлар унинг ривожланиш

¹ Лериш П. Оборона эллинистического города Айханум в Афганистане Городская культура Бактрии Тохаристана и Согда Т. 1987 68-72 б

босқичларини кўрсатишини эътироф этгани ҳолда, шаҳарнинг шаклланиш ва илк ривожланиш босқичлари санасини кўрсатмайди.¹

Нахшаб – Ерқўрғонда муттасил илмий-текширув ишлари билан банд бўлган, бу жойдаги ибодатхона, қаср ва бўлак бино ўринларидан кўпгина осори атиқалар топилган ва уларни тадқиқ этган олимлар – М.Х.Исомиддинов ва Р.Х.Сулаймоновлар «Ерқўрғон» деб аталган рисоаларида бу қадимий шаҳар тарихи ҳақида яна қуйидагича фикр билдирадилар:

«Ерқўрғонда бир неча йиллар давомида шаҳарнинг уйлари, ишлаб чиқариши, жамоат ва мудофаа иншоотларида ўн бешдан зиёд қазув ишлари ўтказилди. Шу қазувлардан бири, хусусан, фавкулудда кўп сопол буюмлар мажмуини берган кулоллар маҳалласида ўтказилган 13 қазув жойи Ернинг табиий юзасига қадар олиб борилди. Ерқўрғон шаҳарчасидаги маданий қатлам ва унинг аломатлари милoddан аввалги IX-VIII асрлардан то милodий VIII-IX асрларига қадар кулолчиликнинг муттасил тараққиёти манзарасини ифода этади».

Нахшаб – Ерқўрғондан топилган сопол буюмлар шаҳарнинг ёшини аниқлашда жуда муҳим манбалар бўлади. Ерқўрғонда олиб борилган қазув ишлари қадимий Сўғдиёна маданиятини ўрганишда ўзига хос ўрин тутди. Шаҳарчанинг ҳажми ва сақланиши, унда тахминан илк темир давридан бошлаб то илк ўрта асрларга қадар ҳаёт давом этганлиги Жанубий Сўғдиёнанинг моддий маданияти даврларини ўрганиш имкониятини беради.²

Нахшабнинг вужудга келиши, унда ҳаётнинг узoқ асрлар давом этиши бу жойда тадқиқот олиб борган бошқа олимлар томонидан ҳам таъкидланган. В.И.Пырин «шаҳарча ичида олиб борилган тадқиқотлар натижасида сиёсий-маъмурий, истеҳком иншоотлари, ҳунармандларнинг яшаш жойлари очилди. Сопол буюмларни ўрганиш шаҳарнинг пайдо бўлиш даври тарихини аниқ

¹ Массон М.Е. Столичные города в области низовьев..., 11-15-б.

² М.Х.Исамиддинов, Р.Х. Сулаймонов. Еркурган. «Фан», Т.: 1984, 5-б.

белгилаш имконини беради». В.А.Пырин шаҳарнинг пайдо бўлиш санасини милоддан аввалги IX-VIII асрлар деб белгилайди.¹

Ерқўрғон милоддан аввалги IX-VIII асрларда дастлаб кичик манзилгоҳ сифатида вужудга келиб, икки-уч асрдан сўнг ривожланган. М.Х.Исомиддинов қайд этишича, милоддан аввалги VI-V асрларда у мустаҳкам қўрғонга, мудрофаа деворларига эга бўлади. Ерқўрғон ёдгорлигини ўрганган яна бир олим С.К.Кабановнинг кўрсатишича, Ерқўрғондаги биринчи кузатувлар бу манзилнинг қадимийлигидан далолат берган. Ички девор тарафдаги тепаларни 3 метр чуқурликда қазилганда археологлар энг қадимий маданий қатламга дуч келдилар. 1948 йилда С.К.Кабанов бошчилигида ўтказилган археологик қазишма ишларида бу ердан иккита хум, сопол буюмлар тўплами, жом идишининг қуйи қисми каби ўзига хос кулолчилик шаклларига эга бўлган буюмлар топилади. С.К.Кабанов шу ашёларга асоаланиб, шаҳарнинг қуйи маданий қатламини милоддан аввалги II асрдан то милодий II асргача бўлган даврга таллуқли, юқори маданий қатламни эса III-IV асрларга оид деган хулосага келади.²

С.К.Кабановдан 30 йилдан сўнг Ерқўрғонда қазув ишларини олиб борган М.Х.Исомиддинов «Ерқўрғоннинг қадимий қатламлари стратиграфияси» деган ишида шаҳарчанинг шарқий қисмида жойлашган тепаликда олиб борилган тадқиқот натижаларига асосланиб, ўз фикрларини айтади. Бу гал қазув ишлари кўлами ортади. Айрим нуқталарда Ернинг табиий юзаси 8,5 м. чуқурликда эканлиги аниқланади. «Ерқўрғон II ва III» деб белгиланган қазув жойларида маданий қатлам милоддан аввалги VIII асрнинг иккинчи яримлари ва VII асрга таалуқли кулолчилик буюмлари, юқори сифатли сопол идишлар синиқлари билан қопланганлигини аниқлайди. М.Х.Исомиддиновнинг фикрича, Ерқўрғоннинг олис ўтмишига

¹ «История материальной культуры Узбекистана», вып. 24. Т.: 1990. 121-б.
нбалари. Қ.: «Насаф».2005. 15-б. Пырин В.А. Предварительные результаты изучения квартала металлистов
Еркургана ИМКУ 1990 а № 24 121-126 б

² .К.Кабанов Нахшаб на рубеже древности и средневековья (III-VII вв.).- Т.: 1977, 26-б

хос бўлган қадимият мажмуи унда кишиларнинг дастлабки яшаш даврларига тўғри келади ва Қарши воҳаси чорвадорлари маданиятини ўзида ташийдиган.¹

Ерқўрғон ҳудудида олиб борилган казишмаларнинг кўп қатламлиги милоддан аввалги VII-VI асрларда кўҳна шаҳар ҳудуди жадаллик билан ўзлаштирилиб борилгандан далолат беради. Милоддан аввалги VI-V асрларда манзилгоҳ минораларга эга бўлган қалин муҳофаа деворлари билан ўраб олиниши билан кўҳна шаҳарнинг шаклланиши тугайди. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, Ерқўрғон атрофидаги айрим тепалардан милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталарига оид сополларнинг топилиши бу даврда кўҳна шаҳар атрофида қишлоқ манзилгоҳлари пайдо бўлганлигидан далолат беради. Бундай манзилгоҳлардан бири Қоровултепа бўлиб, манзилгоҳ унча катта бўлмаган ихтисослашган хўжаликка эга. Топилмаларга қараб бу ёдгорликни мавсумий деҳқончилик манзилгоҳи дейиш мумкин.

Таdqикотчиларнинг фикрларига қараганда, Ерқўрғоннинг ижтимоий ўтrockлашиш тизими ривожланиши унга суғориш тармоқлари билан узвий боғлиқ ҳолда кечган. Типологик классификация ва статистик маълумотларнинг таҳлилига қараганда, яшаш маконлари ўз ўлчамларига кўра иерархик тизим остида тарқалган ва ушбу қадимги Сўғдиёна жамоаси тизимининг энг чўққисида Ерқўрғон кўҳна шаҳри турган, маҳаллий аҳамиятга молик бўлган кичик шаҳарчалар ҳам мавжуд бўлган.²

Ерқўрғон милоддан аввалги VI-IV асрларда айниқса, гуллаб-яшнайдиган ва айнан шу даврда умумий майдони 40 гектардан иборат майдонни ўз ичига олиб, бешбурчак шаклидаги қалин девор билан ўраб олинади.³

Археологлар Нахшаб шаҳрининг ёшини асосан сопол идишлар таҳлилига қараб аниқлаганлар. Шаҳар ўрнида узлуксиз олиб борилган казишма ишлари Ерқўрғоннинг шаклланиш ва таназзулга учраш саналарига

¹ Исамуддинов М.Х. Стратиграфия древнейших слоев Еркургана ИМКУ 1982 №27 60-78 бет

² Эшов Б.Ж. Милоддан аввалги VII-IV асрларда Сўғдиёна тарихи ва маданияти. Т.ф.номзод. Дисс.1999.48-б.

³ Сулейманов Р.Х. Основные этапы развития городища Еркурган.// Античная культура Средней Азии и Казахстана : Тезисы докл. Совещания. Т.: «Фан», 1979. 11-б.

аниқлик кирита борган. 1976 йилда 1-БХ деб номланган қазув жойида юмалоқ шаклдаги сопол идишлар сақланиб қолган маданий қатлам очилган эди. Юмалоқ шаклли идишлар (банка кўринишли) одатда, милоддан аввалги VI-IV асрларга мансуб деб қаралади. Шу йили бу ердан жомлар, қадахлар, лаган ва товоқлар, коса, хурмачалар, хум ва хумчалар, қозон ва декчалар топилган эди.

Қадимий Нахшаб вайроналари ўрнида муттасил илмий – тадқиқот ишларини бажарган археолог олимлар М.Ҳ.Исамиддинов ва Р.Ҳ.Сулаймоновлар ўзларининг 1984 йилда нашр этилган «Ерқўрғон» деб номланган рисолаларида қўлга киритилган моддий маданият ашёларини таҳлил этадилар. Сопол идишлар тадқиқи қуйидаги хулосаларни беради:

«Ерқўрғоннинг қуйи қатламидан олинган сопол буюмлар мажмуаси кўпгина тадқиқотчилар томонидан милоддан аввалги II минг йиллик охири ва I минг йиллик биринчи чораги билан саналадиган сўнгги мис даврининг қатор ёдгорликлари нақш солинган сополчилиги билан ўхшашдек туюлади. Бироқ, сўнгги мис даврининг узайтириб юборилган умумий санасини Ерқўрғон шаҳарчаси қуйи маданий қатламига тадбиқ этиб бўлмайди, чунки у бевосита милоддан аввалги VIII асрнинг иккинчи ярми ва VII асрлари ёки милоддан аввалги VIII-VI асрлар билан саналадиган кулолчилик сополлари бўлган кучли қатлам билан қопланган».

Нахшаб обидалари тупроғидан топилган кулолчилик ашёларини М.Ҳ.Исамиддинов ва Р.Ҳ.Сулаймоновлар қиёсий тадқиқ асосида Фарғона водийсидаги Чуст ва Далварзинтепа, Сурхондарё вилоятидаги Кучук – 2, Бандихон- 1, Қизилтепа ва Миршоди, Зарафшон воҳасидаги Афросиёб қуйи қатлами, Тошкент водийсининг Туябўғиз манзилларидаги сопол буюмлар билан уйғун деб қарайдилар. Зикр этилган археологик обидалари кулолчилик намуналарини, нақшланган сопол идишларини милоддан аввалги IX асрдан эрта ва VI асрдан кеч, милоддан аввалги VIII-VII асрларга тааллуқли деб

ҳисобланади. Шунга кўра Ерқўрғон қуйи маданий қатлами ёшини ҳам шундай саналаш мумкин бўлади.¹

Милоддан аввалги I минг йиллик бошларида қадимий маданият кенг тарқалган эди. Нахшабнинг ҳам биринчи аҳолиси чорвадор қабилалар эди ва улар ўзларига қўшни бўлган қавмлар таъсирида деҳқончилик- чорвачилик маданиятини шакллантирганлар. Археологларнинг гувоҳлик беришича, шаҳарчадаги ҳаётнинг навбатдаги даври қадимий Сўғд замонларига оид моддий ашёларда ўз ифодасини топади. Бундай ашёлар Ерқўрғондаги Ер II ва Ер III 13, 12, 9, ва 1 қазув чоҳларидан топилгандир. Кўрсатилган қатламлардан чиққан ашёлар шаҳарча милоддан аввалги VII-VI асрларда гавжумлашган деган тасаввурни пайдо қилади.

Ерқўрғонда узоқ йиллар мобайнида олиб борилган қазув ишлари бу жойдаги маданий қатламнинг ўзига хос томонларини ҳам кашф этади. М.Ҳ.Исомиддинов, ва Р.Ҳ. Сулаймоновларнинг таъкидлашича, ибодат буюмлари мажмуаси ўзига хослиги, безатилиши, нақшлари билан Қашқадарёдан бошқа жойда учрамайди. Бу жиҳатдан ҳайвон шаклидаги чироқлар, исирикдонлар, четларида ҳайвон бошлари тасвир этилган кулдонлар ва улардаги жимжимадор нақшлар алоҳида ажралиб туради. Милоднинг дастлабки асрларида Ерқўрғон ҳувиллаб қолган эди. Бу шу даврга оид осори атиқаларнинг йўқлиги билан изоҳланади.²

Баъзи олимлар Ерқўрғоннинг ҳукм суриши муддати эфталлар ва турк хоқонлиги даврига қадар давом этган деган фикрда бўлганлар. Ерқўрғонда узоқ муддат давом этган тадқиқот ишлари Нахшабнинг то араблар босқинига қадар яшаб турганини аниқлайди. Археологларнинг кўрсатишларича, Ерқўрғон ҳукмдорининг қасри милоднинг бошларида вужудга келган. Н.Ю.Нефедовнинг ёзишича, Ерқўрғон шаҳарчаси ҳукмдор қасри ўз кўриниши, тархи ва тузилишига кўра Марказий осийёда шу вақтгача ўрганиб

¹ Исамиддинов М.Х., Сулайманов Р.Х. Ерқурган (стратиграфия и периодизация) Ташкент, Фан, 1984. 158 б

² М.Х.Исамиддинов, Р.Х.Сулейманов. Ерқурган. – Т.: 1984, 140-б.

чиқилган яшаш уйлари, саройларга жуда монанд, улар билан бир қаторда туради¹

Ерқўрғоннинг вужудга келиш санасини кулолчилик ашёлари – сопол буюмлар билан белгилаш мумкин бўлганидек, таназзулга юз тутиш санасини шаҳар ибодатхонаси тупроғидан топилган Сўғд ҳукмдори Шашпир (VI аср охири VII аср бошлари) тангалари мисолида аниқлаш имконияти мавжуддир. Ерқўрғонда XX аср иккинчи ярмида ўтказилган тадқиқот натижалари Нахшабнинг VI-VII асрларда барҳаёт бўлганини тасдиқлайди. С.К.Кабановнинг ёзишича, Нахшаб Александр Македонский босқинидан сўнг ўзини ўнглаб ололмаган. Бундан ташқари, милоддан аввалги асрларда юз берган истилолар шаҳарни тамомила вайрона ҳолига келтирган. Аммо унинг айрим қисмларида ҳаёт давом этган. Шаҳар ҳукмдори, сипоҳийлар, хунармандлар янги манзилга кўчиб ўтган. Янги Нахшаб (ёхуд «Нахшаб-2») аста-секин шаҳар тусини олган. Милоднинг VI-VII асрларида Нахшаб-2 дарёнинг икки қирғоғи бўйлаб кенгая бошлаган. Аҳоли сони ҳам кўпайган. Шаҳар номи араблар келган даврда ҳам Нахшаб бўлиб қолаверган. Шунинг кўзда тутиб акад. В.В.Бартольд «Насаф» сўзи афтидан, араблар томонидан маҳаллий «Нахшаб»дан ҳосил қилинган деган фикр билдирган.²

1973 йилда Ўзбекистон ФА тарих ва археология институти Қашқадарё экспедицияси аъзоларининг Ерқўрғон шаҳрида олиб борган кенг қазишма ишлари шаҳар қурилиши ва археологик ёдгорликларини даврлаштириш, шаҳарда топилган маданий қатламлар санасини аниқлаш имконини берди. Аниқланишича, ички шаҳар мустаҳкам муҳофаа девори билан ўраб олинган. Ҳозирги кунда деворнинг 8 м. баландликдаги қисми сақланиб қолган. Деворда ҳар 10-12 метр оралиғида миноралар қад кўтарган. Шаҳар ичкарасида тўрт бурчак шаклида қурилган шаҳристон жойлашган. Деворларда иккита дарвоза жойлашган: бири шарқий деворнинг шимолий қисмида, иккинчиси жануби-шарқий бурчакдаги баланд муҳофаа иншооти

¹ Нефедов Н.Ю. Некоторые итоги раскопок дворцового комплекса Еркургана ИМКУ 1990 № 24 107-116 бет

² Бартольд В.В. Согд Собр. соч. В. 9 Т. 3.м. 1965 487-488 бет

яқинидаги жанубий деворда жойлашган. Мудофаа деворлари билан ўраб олинган майдонда турли ҳажм ва шаклдаги тепаликлар сақланиб қолган.

Энг катта тепалик шаҳарнинг шимолий қисмидаги ҳукмдор саройи ўрнида жойлашган. Шаҳар ибодатхонаси жанубда, шаҳар марказида жойлашган бўлиб, икки алоҳида иншоотдан иборат. Ишлаб чиқаришга асосланган маҳаллалар шаҳарнинг шарқий қисмида жойлашган. Шаҳар деворларига шарқий томондан ясси тепаликлар занжири туташган бўлиб, бу тепаликларнинг устки қисмидан кўп миқдорда сопол идиш парчалари топилган. Казишмалар натижасида бу ерда кулолчилик устахоналари жойлашганлиги аниқланди. Шаҳарнинг марказий кўчаси жанубий дарвозадан шимоли-ғарбга, кулоллар маҳалласи бўйлаб йўналиб шаҳар ибодатхонасига олиб борган. Ички шаҳар иккинчи мудофаа девори билан ўраб олинган бўлиб, майдони 150 гектарни ташкил этган. Ички шаҳар кейинроқ қурилган бўлиб, ғарбий ва шарқий тарафидаги деворлари бузилиб кетган. Ички шаҳар иншоотларининг харобалари алоҳида тепаликлар кўринишида сақланиб қолган. Ички шаҳарнинг жанубий ва шимолий қисмларида кичик майдонни эгаллаган, аммо баланд икки тепалик кўзга ташланади. Жанубий қисмдаги тепалик ўрnidан дахма очиб ўрганилган. Шарқий қисмдаги тепалик ўрнида мақбаралар мажмуи жойлашган. Ички шаҳарнинг жануби-шарқий бурчагидаги кенг майдондаги иншоотлар тўлиқ сақланиб қолган. Шаҳарнинг шимолий ва шарқий қисмларидаги иншоотлар қолдиқлари ички ва ташқи девор бўйлаб паст тепаликлар занжиридан иборат.¹

2006 йили Ерқўрғоннинг ички мудофаа деворини қазиш вақтида ЎЗР ФА Археология институтининг илмий ходими М.Исомиддинов милоддан аввалги VI-V асрларга оид девор остидан хом ғишт аралаш пахсадан қурилган қадимий шаҳар деворлари қолдиқларини топди.² Бу энг кўхна шаҳар девори бўлиб, Самарқанд Афросиёбининг, Челак қишлоғи яқинида

¹ Сулаймонов Р.Х. Древний Нахшаб. Т.: «Фан». 2000., 25-б.

² Сулейманов Р.Х. Карши-Насаф-Нахшаб в системе цивилизации центральной Азии. Ўзбекистон тарихи №2-3 Т. "Фан" 2006 6-бет

жойлашган Кўктепа ва Узунқирдаги Кешнинг илк даврига оид барча конструктив хусусиятларни такрорлаб, санаси милoddдан аввалги VIII-VII асрларга бориб тақалади. Бу топилма бу даврда Сўғдда Зарафшон ва Қашқадарё водийларидаги асосий деҳқончилик воҳаларида йирик шаҳар марказларини бунёд этиш имконига эга қудратли давлат мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, Суғд каби пойтахт маркази бўлган Нахшаб тарихи ҳам илк темир даврида, милoddдан аввалги VIII-VII асрларда янги қишлоқ ва шаҳарларнинг вужудга келишидан бошланади. Бу сўғдийлар ва уларнинг деҳқончилик воҳаларининг шаклланиш даври бўлган.¹

¹ Р.Х. Сулаймонов, М. Исомиддинов, В Ягодин. Оламшумул археологик кашфиётлар «Фан ва турмуш». № 5-6, 2006, 19-б.

II БОБ. Р.Х. СУЛЕЙМАНОВ ТОМОНИДАН ЕРҚЎРҒОН ЁДГОРЛИГИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ НАТИЖАЛАРИ

2.1 Ерқўрғоннинг тузилиши ва асосий объектлари

Қарши воҳасининг қадимий пойтахти – Ерқўрғон шаҳристони ҳозирги Қарши шаҳри Шайхали маҳалласидан икки километр шимолда жойлашган тупроққалъа бўлган. Ерқўрғон ҳудудиди турли ҳажмдаги тепаликлар билан қопланган бўлиб, улар собиқ шаҳар вайроналаридир. Энг йирик тепалик ҳукмдор саройи эканлиги аниқланган. Шунингдек, қазув ишлари мобайнида шаҳар бутхонаси, мақбара, зардуштийлик даҳмаси, ҳунармандлар маҳаллалари топилган. Ерқўрғондаги шаҳар тахминан VI асрнинг иккинчи ярмида Турк хоқонлиги ва Сосонийларнинг бирлашган кучлари томонидан эфталийлар давлатини яқсон қилиш пайтида вайрон қилинган. Милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталарида шаҳар кенгая боради. У 35 гектар майдонни эгаллайди. Тахминан милоддан аввалги VI асрда қурилган янги мудофаа деворининг баландлиги 8 м., пойдевори 3 м. кенгликда бўлган. Девор шаҳарни сак чавандозларидан ҳимоя қилиш мақсадида қурилган. Вақт ўтиши билан у бир неча марта таъмирланган ва кенгайтирилган, VI асрнинг ўрталарига келганда, унинг қалинлиги 20 метрга етган.¹

Милоддан аввалги II асрнинг биринчи ярмида, Қарши воҳаси Шарқий Оролбўйи ҳудудидан чиққан саклар сулоласи ҳкумронлиги остида қолган. Ўша даврда Ерқўрғондан 15 километр жанубда қалъа шаклидаги янги шаҳар – Қалъаи Заҳҳоки Марон барпо этилган. У ягона архитектура иншооти сифатида қурилган. Унинг марказида томонлари юзга юз метр бўлган, 15 метргача баландликда улкан минора жойлашган. Ушбу иншоотни уч қатор девор қуршаб олган.

Қалъаи Заҳҳоки Марон ва унинг ўн метр қалинликдаги деворлари Ерқўрғон каби бир неча маротаба қайта қурилган. Девор таркибини ўрганиш

¹ Сулеймонов Р.Х. Древний Нахшаб ; Тошкент: Фан 2000 26-бет

уларнинг энг дастлабкилари милоддан аввалги II-I асрларга мансублигини кўрсатди. Милоднинг IV-V асрларида шахристонни қайта тиклаш пайтида девор ичидаги йўлаклар барпо этилган. Милоднинг VIII асрга келиб шаҳарнинг асосий кисмида ҳеч ким яшамай қўйган, марказий миноранинг тепасида кичик қўрғон бунёд этилган.

Милоддан аввалги дастлабки асрларда Ерқўрғон ўрнидаги шаҳар кенгайтирилган ҳамда деярли 1 гектарлик майдонни камраб олувчи ташки девор билан ўраб олинган. Ерқўрғоннинг ташки девори ички йўлчаларга эга мустаҳкам муҳофаа иншооти бўлиб, унинг ҳудудида ҳар 60 метрдан сўнг миноралар ўрнатилган.

Милоддан аввалги II-I асрларда Ерқўрғоннинг ички шаҳрида VIII-VII асрларга мансуб энг қадимги девор харобалари ўрнида кулоллар мавзеси барпо этилган, ташки шаҳарда эса – Самарқанд томон олиб борувчи қадимги йўл ёқасида – темирчилар мавзеси бўлиб, улар шаҳар VI вайрон бўлгунча мавжуд бўлган. Ерқўрғоннинг бу даврга оид сопол идишлари кўпинча кўнғироқсимон оёқли нафис жомлар сифатида ишланган. Идишлар билан бир қаторда кулолчилик устахоналарида турли маъбудалар ҳарбийлар отлиқлар, шунингдек, от, қўй, эчки камдан кам ҳолларда эса ёввойи йиртқич ҳайвонлар ҳайкалчалари ясалган.

Қадимий маданий қатламларни ўрганиш давомида шу нарса аён бўлдики, Ерқўрғонда фаол бунёдкорлик ишлари милоднинг III асригача давом этган. Ерқўрғон-Нахшабнинг янги ривожланиш даври милоднинг III-IV асрига тўғри келади. Бу даврда йирик бунёдкорлик ишлари амалга оширилган, шаҳар ибодатхонасининг муҳташам биноси, ҳукмдор саройи, мақбара бинолари тубдан таъмирланган, кулоллар ва темирчилар мавзелари кенгайтирилган.

Ҳионийлар ва эфталлийлар даври IV-IV асрларда Ерқўрғон Марказий Осиёнинг энг йирик ва гуллаб-яшнаган давридир. Пойтахт шаҳар атрофида кенг кўламли қурилмалар агломерацияси қарор топган. Шаҳар

инфратузилмаси алоҳида тармоқларга бирлашган мураккаб тусга эга бўлган. Кўчалар ибодатхонага, сарой ва мақбарага олиб борган.¹

III-IV асрларда Ерқўрғон икки қават баланд девор билан ўралган бўлиб, диний маросимлар ўтадиган монументал биноларни ўз ичига олган. Улар шаҳар жамоатчилиги ҳаётида ҳудудий белгилар сифатида хизмат қилган, вазифасига кўра маъмурий, диний маросимлар ўтадиган жой ва мудофаа маркази ролини ўтаган.

Ерқўрғоннинг кулолллар ва темирчилар мавзеларининг сўнгги устки қатламига кўра, милоднинг V асрида шаҳарда ёнғин ва ҳалокат содир бўлган, кейинчалик ҳаёт яна ўз изига тушган. Милоднинг VI асрида шаҳар буткул вайрон бўлган, бу ҳол Турк ҳоконлиги ва Эрон Сосонийларининг бирлашган ҳарбий коалицияси ҳужуми остида Эфталитлар давлатининг емарилиши билан боғлиқ бўлса керак. Шаҳарнинг хувиллаган ибодатхонасидага бир пайтлар илоҳий маъбуда ўрнатилган жойда тўғри бурчакли оташкада ўрнатилган. Ибодатхонанинг сўнгги даври VII асрнинг ўрталарига мансуб Кеш тангасида ҳам ўз аксини топган.²

Нахшаб обидалари орасида ибодатхона мажмуаси алоҳида ўринни эгаллайди. Обида шаҳарчанинг марказий қисмида жойлашган. Қазув чоғида улкан, мураббаъ шаклидаги чўкиб қолган бино қолдиғи очилади. Унга туташиб кетган шарқий тепалик ҳам тозалангач, ибодатхона тўла-тўқис намоён бўлади. Аниқланишича, ибодатхона милоднинг биринчи минг йиллиги биринчи ярмида фаолият кўрсатган. Шу давр оралиғида бу жойда бешта йирик қурилиш амалга оширилган, оқибатда, ибодатхона тағзамини ердан анча баландга кўтарилган.³

III-IV асрларда – сулолалар ўзгариши ва уруғлар кўчиши даврида туб этномаданий ўзгаришлар содир бўлган. Бу даврдаги Марв ва Нахшабнинг маданий алоқаларига оид ишончли археологик ёдгорлик Ерқўрғон шаҳар

¹ Турабеков М Цитадеъ Еркургана ИМКУ 1982 №17 51-60 бет

² Қарши. Т.: «Маънавият», 2006, 44-45 б.

³ Сулеймонов Р.Х. Нефедов Н.Ю. Раскопки святилища храма городища Еркургана ИМКУ 1979 №15 49-57 бет

ибодатхонаси устки қисмини қазиш пайтида топилди. Ибодатхона биноси III-IV асрлардан VII асргача ишлаб турган ва бу даврларда бир неча бор қайта қурилган. Тахминан бешта йирик қайта қуриш амалга оширилган, бироқ ибодатхонанинг умумий тарҳи, бир ўқ бўйлаб жойлашган айвон ва ҳовли доимо сақланиб келган. Девор ва токчаларда ёрқин рангли чизилган нақшлар, афсуски, бизгача етиб келмаган.¹

Нахшаб ўрнида мунтазам олиб борилган қазув ишлари илмий ҳулосаларни бойитишга хизмат қилади. Р.Ҳ.Сулаймонов тупроқ тепага айланган ибодатхона мажмуасини тадқиқ этади.

Ички шаҳарни кузатганимизда, ўпирилиб тушган олд томони жанубга қараган баланд, тўртбурчак шаклидаги тепалик алоҳида кўзга ташланади. Бу майдон Р-1 – марказий тепалик деб белгиланиб, юзаки ўрганилган эди. Асосий қазишма ишлари унга туташган, Р-1 - шарқий тепалик деб белгиланган, ибодатхона мажмуаси қолдиқлари топилган кичикроқ тепаликда олиб борилган эди. Қазишма ишлари бошлангунга қадар тепалик овал шаклга эга бўлиб, кенг майдонга чўзилган. Кейин аниқланишича, булар ибодатхона қолдиқлари бўлиб чиқди.

Тепаликнинг юқори қисми 25x13 метр, шимолий ва шарқий қисмлари тик тушган, жанубий ва ғарбий қисмлари қияроқ. Тепаликдан жанубда 80x50 м. ҳажмдаги ибодатхона ҳовлиси жойлашган. Бу ердан қизил рангга бўялган сопол парчалари ва ибодатхона устунларининг ғиштлари топилган. Ибодатхонанинг жанубий қисмидан пешайвон қолдиқлари топилган. Ибодатхона пешайвонининг шарқий ва ғарбий қияликлари, қисман жанубдан ибодатхона ҳовлиси ўрганилган. Ибодатхона 400 йилдан кўпроқ ишлаб турган. Ибодатхона ерининг беш марта кўтарилгани унда беш марта таъмирлаш ишлари олиб боилганидан далолат беради. Ибодатхона биринчи қурилиш даврида аниқ шаклга эга бўлган. Барча қайта қуриш ишлари ибодатхона уч асосий иншооти: саждагоҳ, айвон ва ҳовлисида олиб борилган.

¹ Қарши 2007 Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган китоб-альбом Т: “Маънавият” 2006 52-54 бет

Шаҳар марказида жойлашган ибодатхона ўрни қазиб кўрилганда пойдевор пастидан юзадаги бинодан анча олдин қурилган икки иморат қолдиғи топилади. Бинолар емирилиши ёхуд вайрон бўлиши оқибатида улар аввалгилари устига қайта қурилган. 8 метр чуқурликда ернинг табиий юзаси очилади. Ер юзасида кўмир ва кул қолдиқлари учрайди. Пахса қалинлиги 1,7-1,8 м. бўлиб, у 0,5 м. баландликда яхши сақланиб қолган. Хом ғишдан кўтарилган девор қолдиғи ҳам кўзга ташланади. Бу деворнинг ҳар иккала тарафида гарчи оз бўлсада, жуда яхши сақланган ҳайвон суяклари, сопол буюмлар топилади. Уларнинг ёши милоддан аввалги V асрлар деб аниқланган. Идишлар орасида жом ва хумчалар ҳам борки, улар энг аввалги ибодатхона қурилиши даврига хос деб кўрсатилади. Биринчи ибодатхона милоддан олдинги VI-V асрларда қурилган бўлади. 5 метр чуқурликда учрайдиган девор қолдиғи ва маданий қатлам, сопол буюмлар милоддан аввалги III-II асрларга оид эканлиги далолат этилган.¹

Еркўрғон ибодатхонасининг икки устунли махрам саждагоҳи ва бу ибодатхонанинг олд томонида кенг ҳовлига қарата қурилган тўрт устунли пешайвони юнонларнинг мегарон усулидаги иншоотлари тархидан келиб чиққанини кўрсатади.² Биноларнинг асоси кенг олинган, таглиги лой қилиниб, пишитилган. Деворларнинг асосдаги қалинлиги 9 метрга етади. Юқори қисми эса ингичкалаштирилиб кўтарилган. Шунга кўра, қадимшунослар ибодатхона биноси пирамида шаклида қурилган бўлиб унинг ички томони катта хона (сарой) вазифасини ўтаган деб ҳисоблайдилар. Иккинчи, анча кейинроқ солинган девор 1,5 м. қалинликда унинг ярим доира шаклидаги токчаси қуйи қисмида сопол чироқнинг синиқлари, кулдон бўлаклари сақланиб қолган.

Ибодатхонанинг ғарб тарафидан қазилган чоҳнинг тагида қаттиқ куйган ва илк даврга хос бўлган 4x4 метрлик хона ўрни очилади. Хонанинг олд томони, шарққа қараган тарафи айвон, унинг ичида ганч билан сувалган

¹ Сулаймонов Р.Ҳ. Древний Нахшаб. Т.: «Фан», 2004.88-89 б.

² Сулаймонов Р.Ҳ. Нахшаб – унутилган тамаддун сирлари. Т.: «Маънавият», 2004. 12-б.

устунлар кўзга ташланиб туради. Бинони тиклашда хом ва пишиқ ғиштлар ишлатилган.

Милоддан авалги I асрларда Нахшабда Юнон – Бактрия подшоларидан Сўғдни тортиб олган кангюйлар сулоласи ҳукмронлик қилган. Ерқўрғон шаҳар ибодатхонаси вайроналарида қазилмалар олиб борилган пайтда милоддан аввалги биринчи минг йилликка ва эллинизм даврига таллуқли иккита бино қолдиқлари топилди. Бу шаҳарнинг асрлар давомида сақланиб келаётган барқарор топографиясидан далолат беради. Энг қуйи иншоотнинг очилган қисми баланд ғиштин супа бўлиб, ёдгорликнинг зардуштийлик даврига таллуқли эканидан далолат беради : маълумки, милоддан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида зардуштийлар ўз маросимларини очик осмон остида, муқаддас супаларда ўтказган.¹

Зардуштийлик тасаввурига кўра, моддий олам тўрт муқаддас унсур – ўт, тупроқ, сув ва ҳаводан ташкил топган. Зардуштийлар илоҳаси Ахурамазда яратилган неъмат сифатида уларни пок сақлашган ва улардан оқилона фойдаланиб келишган. Шу сабабли зардуштийларда марҳумларни ерга кўмиш гуноҳ ҳисобланган. Марҳумларнинг суяклари йиғиб олиниб алоҳида идишларга солган ҳолда ёки шундайлигича махсус биноларда сақланган ёхуд вайроналарга кўмилган. Кейинчалик, айниқса, табиий тоғ ва қир-адирлар бўлмаган яссиликларда бурж шаклидаги махсус иншоот – даҳмалар қуришган. Даҳмаларнинг тепасидаги тош ёки ғишдан қилинган махсус майдончаларга марҳумларнинг жасадларини тахлаб кўйишган. Қадимги Сўғдиёнанинг жануби ҳисобланган Қарши воҳасининг пойтахт шаҳри Ерқўрғон вайроналари жойлашган ердаги қазимша ишлари олиб борилган бир тепалик зардуштийларнинг дунёдаги энг қадимий даҳмаси қолдиқлари бўлиб чиқди. Даҳма милоддан олдинги II асрда қурилган бўлиб, бир оз фойдаланилгандан сўнг кўмиб ташланган.²

¹ Қарши – 2700 Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган китоб-альбом. Т.: «Маънавият». 2006. 50-52 б.

² Сулеймонов Р.Х. Зороастрийское дахма Еркургана Тезисы докладов научной конференции, посвященной 80 летию академика АН.УзССР Я.Т. Гулямова Т. 1988 87-89 бет

Иншоот юксак иморат шаклида бўлиб, унинг тепа қисмидаги тош териб ишланган очик майдончага суяклари тозаланиши учун жасадлар тахлаб кўйилган. Ушбу тошлар орасидан одамнинг ушоқ суяклари ва тишлари топилди. Иншоот тепасига ташқи зинадан чиқилган. Кунчиқар томондан даҳманинг марказий буржига такаб қурилган майдонча бўлиб, бу майдончадан синиқ сопол идиш ичидаги калла суягининг қолдиқлари топилди. Кунботар томондан ҳам даҳмага такаб қурилган пастроқ яна бир майдонча бўлиб, унинг остига пиширилган ғишт терилган. Бу майдонча дафн маросимларини ўтказиш учун хизмат қилган. Бу иншоот Сўғдиёнада мамлакатни Александр Македонскийнинг Юнон – Бактрия салтанати ворисларидан бўлган базиевслардан тортиб олиб, ўз ҳокимиятини ўрнатган сак ҳукмдорлари даврларига мансубдир. Ерқўрғондаги бу даҳма бутун шаҳар аҳолисига эмас, балки фақат воҳа ҳукмдорларига хизмат қилган. Айни пайтда у милоддан аввалги II асрларгача Нахшаб аҳолисининг Заратуштра таълимотига амал қилганини кўрсатади. Даҳма кўп вақт ишлатилмаган ва тахминан милоддан аввалги иккинчи асрда хом ғишт билан беркитиб кўйилган. Бу ҳол шаҳарнинг ташқи девори қурилганидан сўнг содир бўлган бўлса керак. Даҳмани қазиш пайтида милоддан аввалги II асрга оид заргарлик буюмлари, сопол парчалари топилади. Сўғднинг милоддан аввалги ва милоднинг дастлабки асрларига хос сопол буюмлар кўп жихатдан бактрияликларникига ўхшайди.

Ерқўрғоннинг ички ва ташқи муҳофаа деворлари ўртасида, қадимги шаҳарнинг шимоли-ғарбий томонида жойлашган Р-3 рақамли археологик объект зардуштийлик даври даҳмаси деб аниқланган. Унда 1970-йиллардан бошлаб олиб борилган қазишмалар қадимги туб майдондан ҳисобланган 9-12 метр баландликка эга бўлган икки ярусли ноёб архитектура ишлари ҳақида муҳим маълумотларни берди.

Даҳма 7-8 метрли сунъий пойдевор майдон – стилобат устида қурилган тўғри тўртбурчак шаклидаги минора бўлиб, унинг тепасида зардуштийлик

таомилларига биноан ўлик қўйиладиган майдон бўлган. Бу майдон минора устки майдонининг ғарбий қисмини ишғол этган.¹

Даҳма минораси тепасига уч йўналишли (икки тирсакли)шоҳона зиналар орқали чиқиб борилган. Қуйи зина бўлаги 14 поғонали бўлиб, бино стилобатига перпендикуляр, ўрта зина бўлаги 8 поғонали бино стилобатига ёпиштириб параллел жойлашган, катта зинапоё эса даҳманинг минораси ичига ёриб кириб борган. Унинг шарқ томони токчалар шакл берилган девор билан тўсилган. Ўз даврида бу зина усти арксимон том билан ёпилган. Катта зина 24 поғонадан иборат бўлиб миноранинг устки майдонига олиб чиққан.²

Иморатнинг юқорисидаги очик майдонда марҳумларнинг суяклари қурилиш. Сўнгра бу устухонлар махсус жойда сақланган. Даҳма қадимий шарқ меъморчилиги анъаналари асосида қурилган.³ Даҳмадан милoddан аввалги II-I асрларда қисқа муддат фойдаланилган бу иншоот тўлалигича 42x38-42x10-11 см. ҳажмли ғишт билан қалин қоплаб ташланган. Даҳма ғишт қоплама билан қўмиб ташлангач, иншоот баландлиги 7-9 м. чиқадиган тухумсимон тепалик қўринишига кирганича сақланган. Даврлар ўтиши билан тепанинг сатҳи ёғин-сочин, шамол таъсирида ювилган ҳолда бизгача етиб келган. Даҳманинг бу қадар қисқа муддат ишлатилиши ва ғишт қоплама билан қўмилиб ташланиши ҳозирга қадар изоҳланмаган эди.

Бу ҳақда маҳаллий аҳоли дунёқарашида ўзгариш бўлган деган тахмин билдирилган. Лекин «Авесто»нинг «Видевдот» қисмидаги учинчи фрагардида бу ҳодисанинг ечими бор:

Ахурамазда деди: «Агар иймонли одамлар қурилган мақбара, сағана, даҳмаларни қанчалик кўп бузсалар уларни қанчалик кўп йўқотсалар, шундай ер энг бахтиёр ер бўлади».

«Видевдот»даги бу кўрсатма Ерқўрғон даҳмасига нисбатан берилса, демак, милoddан аввалги бир минг йиллик сўнггида зардуштийликнинг айрим қоидаларида маълум силжишлар рўй берган деб тахмин қилиш

¹ Сулаймонов Р.Х. Древний Нахшаб Т.: «Фан», 2004.115-б.

² Сулаймонов Р.Х. Нахшаб – унутилган тамаддун сирлари . Т.: «Маънавият», 2004. 126.

³ Сулеймонов ПР.Х. Даҳма Еркургана ОНУ 1989 №11 41-45 бет

мумкин. Ерқўрғон даҳмаси ўта ҳашаматли иншоот бўлган. Лекин унда ўлик кўйиш маросими санокли мартагина амалга оширилган. Маросим сонларини минора устидаги тош уюмларининг сони билан чекланган дейишга асос бор. Зиналар ва майдонлар ҳар бир маросимдан кейин ганч билан суваб покланган деб ҳисобланса сувоқ қатламлари сони ҳам минорада ўтказилган маросимлар сонига ишора қилади.¹

Ерқўрғон шаҳрининг ички ва ташқи муҳофаа деворлари оралиғида унча баланд бўлмаган тепачалар кўриниб туради. С.К.Кабанов уларни одамлар яшаган уйларнинг харобалари деб қарайди.² Тепачаларнинг баландлиги 3-5 метргача боради. Жанубий этакдаги дўнгликлар кенгая боради ва улар сойликка етиб ажралади. Ҳозирги пайтда бу ердан катта йўл ўтган. Шу тепачалардан бири синов тариқасида қазиб кўрилганда, кул ва кўмир қолдиқлари чиққан. Бу жойга оид топилмалар орасида темир ва тошларнинг эриган бўлакчалари эътиборни тортади. Чунки бу ишда инсон аралашуви сезилиб туради. Девори хом ғишт ва пахсадан иборат бўлиб, унда бир неча марта сувалганлик аломати кўриниб туради. Тепачадан яна кўпгина қадахлар сопол идишлар топилган. Улар орасида нақшли тувакчанинг борлиги ҳайратга лойиқ эди. Тувакча тубида эриган темир эритиш усулини билганликларини кўрсатади. Айниқса, эритилган бир парча мис бу соҳада шубҳага ўрин қолдирмайдиган далил ҳисобланади. Темирчилар маҳалласи ички деворнинг жануби-ғарбидаги дарвозадан ташқи девор жануби-ғарбий бурчагининг Самарқанд ва Кеш томонга олиб борувчи дарвозага қадар чўзилган. Майдоннинг ўрта қисмидан ўтган қадимий кўча уни жанубий ва шимолий қисмларга ажратади. Жанубий қисмнинг асосан, устки қатламини қазиб ўрганилган. Қазилар жараёнида яхши ишланган темир буюмларининг кўплаб топилиши, бу ерда темирчилар маҳалласи жойлашганидан далолат беради. Бу ердан 30 дан ортиқ бино қолдиқлари топилган.³

¹ Қарши шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни.// Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий анжуман материаллари// Т.: «Фан», 2006. 156-157 б.

² Кабанов С.К. Нахшаб на рубеже древности и средневековья (III-VII вв) Т. Фан 1977.136-бет

³ Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Т.: «Фан», 2006. 128-129 б.

Темирчи усталарнинг бутун хўжалиги кўча томонга қаратилган бўлиб, жануб томонда фақат ишлаб чиқариш устахоналари бўлган, бу ерда савдо-сотик ҳам қилинган. Шимолий томонда турар- жой бинолари жойлашган.¹ Темирчилар маҳалласи ҳақида умумий маълумотлар В.А.Пыриннинг илмий асарларида ўз аксини топган. Жанубий қисмида жойлашган устахоналарга ёғоч эшиклар орқали кирилган. Энг катта устахона бешта ёнма-ён қурилган бинолардан иборат. Устахонага 6 ва 27- бинолар орқали кирилган, 6 ва 26 бинолар орқали катта тўртбурчак зал ёки 11-бинога кирилган. Кейинчалик бу устахона иккига бўлиниб, ҳар бир қисми алоҳида устахоналарга айланган.² 5-рақамли бионинг заминидан кўп миқдорда темир бўлаклари, кўмир ва кул қолдиқлари, тош ёрғучоқ синиқлари, ҳайвон синиқлари топилган. Бу ердан яна иккита думалоқ ўра топилган бўлиб, мутахассислар фикрича, бу ўралардан темир эритиш ва юмшатиш мақсадида фойдаланилган.

Иккинчи хўжалик тўртта бинодан иборат. 14 ва 28 бинолар орқали маҳалланинг жанубий қисмига чиқилган. 13 ва 14 биноларнинг пол қисми 45 см баландликка кўтарилган. Бу биноларга ёнма-ён ғиштдан қурилган айвонча жойлашган. Айвонча топилмалари орасида кўмир ва кул қолдиқлари билан бирга 49 дона Нахшаб чеканининг тангалари топилган. Учинчи хўжаликдан топилган топилмалар ҳам юқоридагиларга ўхшаш. Бешинчи хўжалик икки бинодан иборат бўлиб, бу ерда темирчиликка оид буюмлар учрамайди. Еттинчи хўжалик биноларининг замини 10 см қалинликда кул қоплами билан қопланган.

Маҳаллада бир неча бинолардан иборат бўлган катта хўжаликдан ташқари, биргина хонадан иборат бўлган кичик хўжаликлар ҳам учрайди. Бу хўжаликлар аҳолиси савдо-сотик билан шуғулланган. Темирчилар маҳалласининг шимолий қисмида ҳам археологик қазилма ишлари олиб борилган бўлиб, бу қисмда кўпроқ турар-жой бинолари ўрганилган.

¹ Қарши – 2700. Т.: «Маънавият», 2006, 64-б.

² Пырин В.А. Предварительные результаты изучения квартала металлистов Еркургана. // ИМКУ. 1990. № 24. 121-126 б.

Ўрганилган турар-жой биноларидан бири икки қаватли бўлиб, иккинчи қаватга кўтарма пандус орқали чиқилган. Қазишма ишлари жараёнида бинолар заминидан кўплаб Нахшаб чеканининг тангалари топилган. Тангаларнинг топилиши бу ерда ҳам, ўрта аср шаҳарларида бўлганидек, темир буюмлар, меҳнат куролларининг савдоси ривожланганини кўрсатади.¹ Ерқўрғон мажмуасидаги 13, 20- рақамли бинолар тадқиқ этилганда, бу жойда тўқувчиликда ишлатиладиган сопол лангарлар анчагина эканлиги аниқланади. 16-рақам билан белгиланган жой қазиб кўрилганда, унинг хунармандлар яшаш жойи ва ишхонаси эканлиги маълум бўлади. Бу ерда темирчилар яшаганлиги учун уни темирчилар маҳалласи дейиш мумкин. Қазув чоғида бу жойдан 89 та танга топилади, 49 та мис танга биноларнинг тағзаминидан ва кўча юзасидан топилади. Бу мис тангачаларнинг аксарияти милоднинг V-VII асрларига тааллуқли деб қаралади. С.К.Кабанов бу топилмаларни «Нахшаб тангалари» деб атаган эди.²

Нахшабнинг ташқи жануби-шарқий ҳудуди стратиграфик маълумотларига кўра шу манзил вужудга келган даврларда яъни милоддан аввалги бир минг йиллик ўрталарида кишилар яшай бошлаган жой бўлган. Шаҳарда хунармандчилик, темирчилик милоддан аввалги бир минг йиллик ўрталарида вужудга келган. Нахшаблик усталар, темир эритувчилар хом ашё маъданини қаердан олган деган савол туғилади. В.А.Рузанов мана шу ҳақда мулоҳаза юритиб, «Ҳисор тоғининг жануби-ғарбий тизмаларида Қашқадарё ҳудудида жойлашган қадимий конлардан бирининг маъдан намуналари кимёвий жиҳатдан тадқиқ этилганда, Ерқўрғон маъданни қайта ишлаш амалиётидаги маҳаллий хом ашё манбаини баҳолашда баъзи аниқликлар киритилди. Қашқадарё вилоятида қадимда қазиб олинadиган маъдан манбалари жумласига Қоракўл мис кони ҳам киради. У денгиз сатҳидан 1800 метр баландликда Яккабоғ темир йўл бекатидан 37 чақирим жануброқда, бўлган Калтакўл Қишлоғи яқинидадир», дейди.

¹ Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Т.: «Фан», 2006. 128-129 б.

² Кabanов С.К. Нахшебские монеты V-VI dd DLB 1961 #1 137-144 ,tn

Ерқўрғон идишларидан топилган қолдиқ маъдан таркиби билан Калтакўл кони хомашёси кимёвий таҳлил этилганда улар орасида ўхшаш томонлар борлиги аниқланади. Мана шунга асосланиб, В.А.Рузанов қадимда Ерқўрғон усталари хомашё маъданини Калтакўлдан олиб келганлар деган хулосани чиқаради.¹

Ерқўрғоннинг янги ривожланиш даври милоднинг III-IV асрига тўғри келади. Бу даврда йирик ободончилик ишлари амалга оширилган, кулолчилик ва темирчилик мавзелари кенгайтирилган. Ташқи шаҳарда жойлашган бу маҳалла милоднинг VI асригача, шаҳар вайрон бўлгунига қадар фаолият кўратади.²

Нахшаб шаҳар тусини олиб йириклаша боргани сари, аҳоли кўпайган ва истехком деворларидан ташқарида ҳам маҳалла пайдо бўла бошлаган. Шаҳарнинг ғарбий тарафида вужудга келган яшаш жойини шу жумлага киритса бўлади. Нахшабнинг ташқи истехком деворидан 600 м. чамаси масофада жойлашган катта-кичик тепаликлар археологлар томонидан ўрганиб чиқилади. Бу жойда қарийб 17 бино-уйлар ва ибодатхоналар қисман ёки муфассал тадқиқ этилади.

Археологлар маҳалланинг вужудга келиш даврини алоҳида ажратиб кўрсатадилар. Н.Ю.Нефедовнинг қайд этишича, Нахшаб яқинида вужудга келган жойдаги бинолар, энг аввало, ибодатхона шаҳар ичкарасидаги шу хилдаги иморатга ўхшаш қурилган. Ҳатто, иккала бино деворларига чизилган суратлар ўртасида ҳам уйғунлик мавжуд. Нахшаб олдидаги йўлдош қасаба биноси девордаги суратлар орасида хоч шакли ҳам учрайди. Эни 5 см. бўлган қизил чизиқ 13 см. энликда бўлган қора чизиқни кесиб ўтади ва хоч шаклини ҳосил қилади. Хоч рамзи Евроосиё халқларига жуда қадим замонлардан таниш бўлган. Бу хилдаги шакллар Бохтар ва Парфия санъатида ҳам учрайди. Нахшабга туташ бўлган қасаба вужудга келган санаси аниқланмаган. Чунки унда олдинги уч давр ёши аниқланмаган, фақат

¹ П.Равшанов. Қарши тарихи. Т.: «Янги аср авлоди», 2006. 178-179-б.

² Қарши – 2700. Т.: «Маънавият», 34-б

тўртинчи ва бешинчи даврлар санаси бу жойдан чиққан сопол ашёлар асосида аниқланган. Тўртинчи давр милоднинг II-III асрларида, бешинчи давр эса милоднинг III-IV вужудга келган деб белгиланади. Биринчи бино безаклари, тарх кўриниши, яъни учинчи даврнинг милоднинг I-II асрларга тўғри келишини тахмин қилишга асос беради. Шунга кўра, шаҳарчанинг кишилар яшаш жойи сифатида қарор топиши милоддан аввалги I минг йилликнинг сўнгги чорагига мувофиқ келади дейиш мумкин. Бу давр моддий ашёлари, қуйи маданий қатламларда, ҳали тўла текшириб ўрганилмаган бинолар остида бўлиши эҳтимол қилинади.¹ Ички шаҳарнинг шарқий қисми бўйлаб 700 метрга кенг, ясси дўнгликлар занжири кўзга ташланади. Бу дўнгликлар ҳар бири 0,5-1 га майдонга эга.

Дўнғчаларнинг чим билан қопланган устки ва ёнбағирларидан кул ва кўмир қолдиқлари, сопол идишнинг синиқлари топилиши бу ерда кулоллар маҳалласи жойлашганлигидан дарак беради. Кейинчалик бу ерда қазилма ишларини олиб борган М.Х.Исомиддинов кулоллар маҳалласи мавжуд бўлганини тасдиқлади. Унинг тадқиқот ишлари натижалари нашр этилди.² (Исамддинов М.Х, Сулейманов Р.Х. Еркурган. 1984.)

Маҳалла ички шаҳарнинг шарқий қисми бўйлаб шимолдан жанубга чўзилган бўлиб шаҳар деворидан ер ости сувлари билан тўлган кенг ва чуқур майдон ажратиб турган. Шаҳарнинг марказий қисми билан кулоллар маҳалласини кулоллар кўчаси ажратиб турган. Кулолар маҳалласи шаҳар марказидан ғарбда жойлашган. Кулоллар кўчаси шаҳар ички деворининг жанубий дарвозасидан шимоли-шарқий дарвозасига йўналган.³

Еркўрғон – Нахшабнинг янги риважланиш даврида, милоднинг III-IV асрида кулоллар маҳалласи анча кенгайтирилган.⁴

Кулоллар маҳалласида жами 4 та қазилма ишлари ўтказилган. Р-13 даврида маҳалла тепаликларининг бири тўлиқ очиб ўрганилган. Энг юқрои

¹ Нефедов Н.Ю. Некоторые итоги раскопок дворцового комплекса Еркургана ИМКУ 1990 №24 107-116 бет

² Исамиддинова М.Х. Сулеймонов Р.Х. Еркурган

³ Сулейманов Р.Х, Древний Нахшаб. Т.: «Фан», 2000. 122-б.

⁴ Ртвеладзе Э. В., Буряков Ю. Ф., Сулаймонов Р. Х., ва б. Қарши. Т.: Маънавият, 2006. 44-45 б.

тепаликдан турар жой ва ишлаб чиқариш маконлари очилган. Р-13 дан жанубда тепаликнинг жанубий қисмидан яна бир кулоллар маҳалласи очилган бўлиб, бу маҳалла махсус мудофаа девори билан ўраб олинган. Бу маҳалла VII асрда шаҳар ташлаб кетилган вақтда ҳам мавжуд бўлиб, шу даврда девор билан ўраб олинган. Шаҳар ташлаб кетилганидан сўнг шаҳардаги кулоллар бу ерга кўчиб келиши натижасида махсус кулоллар маҳалласи вужудга келган. Р-14 ганчкор ошхона буюмлари топилган бўлиб, казишма ишлари ҳали поёнига етмаган. Р-13 даврида кулоллар мавзесининг кенг майдонларидан бири тўлиқ очилиб ўрганилган. Маҳалланинг шарқий ва ғарбий тарафларида жойлашган икки кўчадан иборат алоҳида маҳалла шу ерда жойлашганлиги аниқланди. Бу маҳалласидаги ҳар бир макон бир хил услубда қурилган ва алоҳида деворлар билан ажратилган. 300х300 м. майдондан 60 та манзилгоҳ ўрганилган. Бу манзилгоҳлар бир-бири билан боғланган бўлиб, тўққизтаси алоҳида хўжалик бўлиб шаклланган. Алоҳида хўжаликларнинг кириш жойлари аниқланмаган. Кулоллар маҳалласи турар жойларининг деворлари қалин ва туйнуксиз бўлиб, маҳаллани шарқий ва ғарбий қисмларга ажратиб туради. Ғарбий қисмнинг чиқиш жойи кулоллар кўчасига юзланган, шарқий қисмнинг чиқиш жойи эса сув ҳавзасига ва шаҳарнинг шарқий деворига юзланган.

2-бино саккизта хонадан иборат бўлиб, шарқий томонидан узун даҳлиз орқали қирилган. Даҳлиздан ўнгга йўл 1 ва 12-биноларга олиб борган. Бу биноларнинг пастки қисмига катта кулолчилик кўраларидан иссиқлик олиб келувчи қувурлар ётқизилган. 12-бинода кўра жойлашган кўра жойлашган ўтхонадан мавзенинг шарқий қисмига қаратиб туйнук очилган. 1-бинода марказда кўра жойлашган бўлиб усти ёпилмаган. Даҳлиз охиридаги ёнма-ён жойлашган 14-15 бинолар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. 14-бинонинг полида бир замонлар қалин похол тўшама солинган бўлиб, ундан 2 см қалинликдаги похол кукуни сақланиб қолган. Бу бинодан Нахшаб чеканининг тангалари ва кўп миқдорда сопол парчалари топилган. 16-бинодан учта хум қолдиқлари ва сопол идиш парчалари топилган. 15-

бинодан кирилса, деворий токчаларга эга катта хона – 16-бинога дуч келамиз. Токчалар ва полдан тайёр кулолчилик мансулотлари: кўзалар, кўзачалар, пиёла, ликопчалар, юпка туваклар, қозонлар топилган. Бу макондан жами 100 дан ошиқ идишлар топилган. Шарқий деворга кичик, квадрат шаклидаги сахн жойлашган бўлиб, меҳроб ёки тагкурси вазифасини ўтаган. Деворларда ёнғин излари сақланиб қолган. ¹

Ерқўрғоннинг милoddан аввалги VIII-VII асрларда ясалган сопол буюмлар топилган маданий қатламидан 1999 йилнинг кузида қалинлиги 3 метрдан ошиқ бўлган маҳобатли девор қолдиқлари аниқланди. Девор баландлигининг икки метрдан ортиқроқ қисми омон қолган ва кулоллар маҳалласининг биринчи асрларга оид қатламлари остида кўмилиб кетган. Бу девор Ерқўрғоннинг милoddан аввалги VI асрларда қурилган, бугунга қадар сақланиб қолган ички деворига параллел равишда тикланган. Шунини тахмин қилиш мумкинки, кулоллар маҳалласи ичкарасидан топилган бу девор дастлабки даврларда Ерқўрғоннинг истехкоми вазифасини ўтаган, бироқ шаҳар ҳудуди кенгайиб, ҳозирга қадар сақланиб қолган ички девор қурилгандан сўнг милoddан аввалги VIII-VII асрларда қурилган эски девор ноқулайлик туғдиргани учун бузиб ташланган ва унинг тупроғидан шаҳар кулоллари буюмлар яшаш учун фойдаланишган. Кулоллар томонидан эски шаҳар деворлари қолдиқларидан хом ашё сифатида фойдаланиш ҳоллари Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларида ҳам учраб туради. ²

Кулоллар маҳалласининг 60-биносида барча деворлар бўйлаб токчалар жойлашган бўлиб, топилмалар учрамайди. 16-бинодан ғарбга юрилса, ёнма-ён жойлашган 17 ва 36-биноларга бориш мумкин. Ёпиқ турдаги 17, 36, 60-бинолар маҳалланинг энг ичкари қисмида жойлашган бўлиб, ётоқхона вазифасини ўтаган. Бу хўжаликнинг барча маконлари деворлари ёнган, полдан кўмир ва кул қолдиқлари топилган.

Учинчи хўжалик уч қисмдан иборат : ишлаб чиқариш, турар жой ва

¹ Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Т.: «Фан», 2000, 124-б.

² Сулаймонов Р.Х. Нахшаб – унутилган тамаддун сирлари. Т.: «Маънавият», 2004, 14-15 б

ибодат билан боғлиқ бинолар. Хўжаликка кираверишда, мавзенинг шарқий қисмида кичик ҳовлича бўлиб, унинг ғарбий асмида яхши сувалган супа мавжуд. Ҳовличанинг шимоли-ғарбий бурчагидан диний маросимлар ўтказиладиган квадрат шаклидаги 2-бинога кирилган. Ички томондан тамбур девори кириш қисмини ёпган. Учинчи хўжаликдан жанубда тўртинчи хўжалик жойлашган бўлиб, олд томони шарққа юзланган. Бу хўжаликда еттита кичик бино мавжуд. Марказий қисмида 8, 9, 13-турар жой иншоотлари жойлашган. 8-бинонинг деворлари бўйлаб супалар ва ўчоқлар жойлашган.¹

Милоднинг III-IV асрларида кулоллар маҳалласи ривожланиб, майдони кенгайтирилади. Ялпи девор кулоллар маҳалласи бўйлаб давом этиб, уни шарқий ва ғарбий қисмларга бўлади ва бутун уй хўжалиги деярли бир-бирига тенг ячейка ёки қисмлардан иборат, яъни улар бошидан ягона массив сифатида бунёд этилган. Бундай қурилишлар Тупроққалъа ва антик Хоразмнинг бошқа шаҳарларини эслатади.² Милоднинг V асрида шаҳарда содир бўлган ёнғин натижасида кулоллар маҳалласи вайрон бўлади. Шундан сўнг милоднинг VI аср охири VII аср бошларида шаҳристон устида бир пайтлар йирик кулоллар мавзеси бўлган жойда кичик кулоллар қўрғони тикланган.³ Нахшаб қўрғони ва қасрида олиб борилган археологик тадқиқотлар шаҳар таржимаи ҳоли учун муҳим далилларни ошкор этган эди. Нахшаб қўрғони ички деворининг шимолий тарафи ўртарағида жойлашган. Қалъада икки бор қайта тиклаш юз берган. Қўрғоннинг шимолий қисмида бинолар туркуми очилиб, уларнинг икки қаватдан иборат эканлиги аниқланади. Биринчи қават хоналар мажмуи бўлгани каби, иккинчи қаватда ҳам бешта хона бор. Шулардан тўрттаси биринчи қават хоналари билан бир вақтда қурилган. Қалъа заминидан тоғора ва сопол идишлар топилган. Сопол ашёлар Нахшабнинг милоддан аввалги II асрлардан милоднинг I асрига қадар умумийлик касб этувчи нақшлари билан безатилган.

¹ Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Т.: «Фан», 124-125 б

² Рапапорт Ю.А. К вопросу о дионийском культе в свящённом дворце Топрок калк М-1978. 275-285 бет

³ Қарши – 2700. Т.: «Маънавият», 2006. 64-б.

Нахшаб обидалари мажмуасида қаср харобалари ҳайбатли ва баландлиги билан ажралиб туради. Нахшаб қасри шаҳарнинг шимолий қисмида, ички деворга туташ, истехком деворига яқин жойдадир. Қасрнинг маҳобатли харобаси бу иморатнинг бир замонлар жуда улкан кошона бўлганлигини тасаввур этиш имконини беради. 80-йилларнинг бошларида бу жойда бешта хона ва йўлак очилиб тозаланган эди. Тадқиқотлар бинонинг ҳукм суриш жараёнида икки бор қайта қурилганлигини ва мунтазам таъмирланиб турилганлигини тасдиқ этади.¹

Қаср квадрат кўринишидаги 1 га майдонни эгаллаган бўлиб, икки қисмдан иборат. Ҳукмдорлар қасри Ерқўрғон ёдгорлигининг энг йирик иншооти ҳисобланган. Юқори бинонинг баландлиги 12 м. Майдони 50х25 метрни ташкил қилади. Қасрнинг юқори қисми тўлиқ, қуйи қисми қисман ўрганилган. Ҳар иккала қисм битта ташқи девор билан ўраб олинган бўлиб, қасрга қуйи қисм тарафидан кирилган.²

Қаср биносини қазиб, тадқиқ этишда кўпдан-кўп сопол идишлар қўлга киритилади. Сопол буюмлар қаср мажмуаси милоднинг III-V асрларида вужудга келган, дейишга асос беради. Топилмалар орасида турли ҳайвонлар, қушлар, туялар, итлар, бургутларнинг ҳайкалчалари учрайди. Қазув давомида яна бир қанча тангалар ҳам топилган. Улар машҳур Нахшаб тангалари бўлиб, милоднинг III-V асрларига тааллуқлидир.

Нахшаб қасридаги археологик текширувлар 80-йиллардан кейин ҳам давом эттирилади ва янги маълумотлар тўпланади. Қасрни ўрганиш ишлари бошланганидан қарийб ўн йил ўтгач, бу жойда кўламли археологик тадқиқотлар олиб борилади.

Нахшаб ҳукмдорининг саройи нисбатан мукаммалроқ ўрганилади.³

Қасрнинг юқори қисмида бир неча бинолар жойлашган. Ғарбий тарафдаги катта ёпиқ бинога ёнлама даҳлизлар орқали кирилган. Жанубий

¹ Сулейманов Р.Х. Нефедов Н.Ю., Предварительные результаты раскопок Еркургана ИМКУ 1982, №17, 47-51 бет

² Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Т.: «Фан», 2000. 113-б.

³ П.Равшанов. Қашқадарё тарихи Т.: 1999, 58-59 б.

дахлиздан вестибюль ва ички қасрга юзланган, 14x14 метрли, икки устунли кичик айвончага кирилган. 2-бино орқали ўтган йўл айвончага олиб борган. Айвонча ўзгача услубда қурилган бўлиб, икки қатор жойлашган устунлар ўрнатилган. Бундай қурилиш услуби Ойхонум қасри қурилишига ўхшаш.

Қасрдаги барча биноларнинг деворлари пахсадан қурилган. 14-бино асосини кўтаришда 40x40x10 см. ғиштлар ишлатилган. Деворнинг қалинлиги 1,35 см.ни ташкил этади. Қаср хоналарига узун йўлаклар (масалан, 15-хона йўлаги 19,5 м.) орқали кирилади. Қасрнинг шимолга қараган деворларида ҳар метрда кенглиги 10-12 см. бўлган шинаклар учрайди. Бундай шинаклар сони 16 та. 3-хона қаср силсиласида энг катта зал – 14,0x14,0 м. ҳажмда бўлиб, жанубдаги ва шимол тарафдаги деворлардан иккита эшик қўйилган. Қаср биноси тупроғидан учта хум қазиб олинган, катта хумлар Нахшабда унинг сўнгги асрларига қадар амалда бўлган. Нураб, босиб қолган тупроқлар уюми остидан кўплаб пишиқ ғишт, сопол идишларнинг яхлит парчалари, эркак киши ҳайкалчаси, юнонларникига ўхшаб кетадиган кичик идишлар топилади.¹ Ерқўрғон ҳукмдорининг саройи ички шимолий қисмида, ибодатхона мажмуи жойлашган. Бу йирик иншоотнинг олди жануб томонга қаратиб қурилган. Вертикал ҳолатда икки қисмдан иборат бўлиб, 1 га майдонни эгаллайди.

Ерқўрғон композициясининг умумий ғояси, очилган қатламларга кўра, қадимги Ўрта Осиё саройларидан ҳар бири мустақил иншоот бўлган юқори ва қуйи майдончаларга бўлиниши билан фарқ қилган. Юқори майдончада алоҳида целла, вестибюль, шарққа қаратиб қурилган айвонча, ҳовлича ва унинг адоғида овқатланиш хонаси бўлган. Буларнинг барчасига икки қатор тор йўлак олиб борган. Тахмин қилинишича, бу сарой ибодатхонасидир. Ерқўрғон қуйи майдончасининг тузилиши тор йўлаклар орқали бирлашадиган ҳовличалар ва хоналар тизими шаклида бўлиб, Қадимги Шарқнинг сарой мажмуалари, жумладан, Бобилдаги Навуходоносор ва

¹ Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Т.: «Фан», 2000. 113-114 б.

Сузоқдаги Доро Биринчи саройларини эслатади. Унда алоҳида сарой ибодатхонасининг бўлиши Ўрта Осиёдаги бошқа қадимги саройлар мажмуига ўхшашлигини, айти пайтда, аҳмонийлар саройларидан фарқ қилишини кўрсатади.

Еркўрғон саройининг ўзига хослиги сифатида шуни айтиш мумкинки, шаҳар ва сарой ибодат мажмуаларининг деталлари жиддий фарқланган. Сарой ибодатхонаси целласи марказида олов ёниб турган ва бу жой йўлаклар тизими ёрдамида кундузги ёруғдан ва атмосфера ўзгаришларидан тўлиқ ҳимояланган. Сарой ибодатхонаси абадий оловни сақлашга мўлжалланган. Олов илоҳга атаб ёки III-IV асрларда Нахшабнинг илоҳлаштирилган ҳукмдорлари шарафига ёқилган бўлиши мумкин.

Еркурғоннинг яна бир ноёб иншооти ҳукмдорлар мақбарасидир, у III-IV асрларга мансуб. Меъморий – типологик ўзига хос кўринишга эга: шаҳар томонга очилган турт бурчак марказий зал ёки айвон бўлиб, уч томондан йўлаксимон тор хоналари бор. Булар баланд зинапоёли пирамидасимон асос ўрнатилган, юқорига пишиқ ғиштдан қурилган, ганч билан сувалган зина орқали чиқилган.¹

Еркурғон ички деворининг жанубий қисмида баландлиги 8 м, 70х50 м майдонни эгаллаган тепалик кўзга ташланади. Тепалик ташқи кўриниши даҳма тепалигига ўхшаш, шаҳар ички ва ташқи деворларининг қаршисида жойлашган. Археологик қидирувлар натижасида шу аниқландики, бу тепалик ўрнида III-IV асрларда вужудга келган мақбара жойлашган. Тепалик ёнбағирларида ҳам қазилма ишлари ўтказилган. Бино икки қурилиш даврини бошидан кечирган. Марказий бино шимол томонга қаратиб қурилган икки устунли айвон ҳисобланади. Айвон пастки қисмида ғиштардан қурилган ва ганчланган тўғри бурчакли, катта ва кичик сахнлар жойлашган.

Залнинг шарқий қисмида пол 10-14 см кўтарилган. Залнинг деворлари ва пол қисми ганч билан сувалган. Бу ердан хумларга солинган инсон

¹ Қарши – 2700. Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган китоб альбом. Т.: «Маънавият», 2006. 58-б.

суяклари ва тўқувчилик асбоблари топилган. Топилмалар орасида мис тақинчоқлар, эллинизм даврига оид олтин тангалар учрайди.

Бинонинг шимоли-шарқий қисмида ганч хайкалчалар бўлаклари топилган. Хайкалча юзининг пастки қисми яхши сақланган. Бу ерда ҳам қурилган суяклар билан биргаликда тўқувчилик асбоблари учрайди. Бундай кўриниш Хоразмдаги мақбараларда ҳам учрайди.¹

¹ Толстов С. П. По древним дельтам Окса и Яксарта М : 1962. 230-232б.

2.2 ЕРҚЎРҒОН ЁДГОРЛИГИДА АНТИК ДАВРИГА ОИД ЎРГАНИЛГАН МОДДИЙ МАНБАЛАР ТАВСИФИ

Милоддан аввалги III-II асрларда Ерқўрғон ўрнидаги шаҳар ривожланиб боради. Буни археологик топилмалар тасдиқлайди. Жумладан сопол буюмларнинг шакли ўзгара бошлаган. Аини пайтда бу даврда воҳада короластика санъати вужудга кела бошлайди. Бу даврдаги ноёб терракота расмлар ва безаклар эллинача усулда ясалган. Қазилмалар мобайнида топилган момақалдироқ худоси Зевс тасвири туширилган милоддан аввалги V-IV асрларга мансуб этрускча гемма – инталия ҳам шу даврга оиддир. Соқолли яланғоч мавжудот ярим бурилган ҳолда чап қўлида Зевснинг ҳамроҳи – бургут қўнган асони ушлаб турган тарзда тасвирланган.¹

Ерқўрғон харобалари жойлашган ерда кўр тўкиб турган қадимий шаҳар Нахшаб ёки Қарши воҳасининг энг биринчи пойтахти бўлган. Ерқўрғонни икки қатор мудофаа девори куршаб турган. Қазилмалар натижасида ушбу шаҳар биринчи девори дастлаб эрамиздан аввалги VI асрларда тикланган. Александр Македонский юришидан кейинги даврда шаҳарнинг иккинчи девори тикланган.

Кўп йиллик қазилмалар натижасида бу жойдан шаҳар ва бутун воҳа ҳукмдорининг саройи, шаҳар эҳроми, даҳма, мақбара, кулоллар, темирчилар ва бошқа маҳаллалар қолдиқлари топилди. Бу қадимий шаҳар кўпгина объектларининг ҳозирча фақат устки қатлами очилган. Бироқ остки маданий қатлам сари алоҳида қазилган қазилмалар шуни кўрсатадики, шаҳар тузилишининг қайд этилган ушбу устки қатлами шаҳар шаклланишининг илк давларидаёқ таркиб топганлигидан далолат беради.

Бу қадимий шаҳар аҳолисининг маданий алоқалари алоҳида эътиборга лойиқ. Ундаги меъморий ва санъат ёдгорликлари қадимий маданиятларнинг Ғарбда этрусклар ва юнонлардан бошлаб Шарқда Ҳиндистон ва Сибирга қадар кенг майдонларда ёнма-ён ривожланганлигини кўрсатади. Ерқўрғон

¹ Ртвеладзе Э. В., Буряков Ю. Ф., Сулаймонов Р. Ҳ., ва б. Қарши. Т.: Маънавият, 2006 38 б.

топилмалари ёзма манбалардан маълум бўлган сўғдийларнинг кенг савдо ва дипломатик алоқалар олиб борганликлари ҳақидаги маълумотларни тасдиқладилар. Шаҳардаги илк меъморий ёдгорликлардан бири сифатида сақланиб қолган, зардуштийларнинг дафн маросимларининг ўтказиш жойи бўлиб хизмат қилган даҳма икки қаватли баланд иморат шаклида қурилиб, унинг юқорисидаги очиқ майдонида марҳум шаҳар зодагонларининг суяклари этидан тозаланган. Сўнг азиз устухонлар махсус жойларда сақланган. Даҳма қадимий шарқ меъморчилиги анъаналари асосида қурилган.¹

Амалий санъат ашёлари, жумладан, қадимий муҳрлар – қимматбаҳо тошларга ишланган тасвир сюжетлари Нахшаб аҳолисининг кенг маданий алоқаларидан далолат беради. Эрамиздан аввалги V асрлардаги этрускларга хос бўлган бундай муҳрлардан бирида Зевснинг бургут тутиб турган бўй-басти гавдвлантирилган. Яна бир ноёб тошда фил миниб олган Кушон ҳукмдори тасвирланган (Кушон империяси қадимда Сурхондарё водийсидан Жанубий Ҳиндистон ва Кошғарга қадар чўзилиб кетган эди).

Илоҳлар, қаҳрамонлар ва табаррук зотларнинг гилдан қолиплар ясалган кўплаб миниатюра тасвирлари, кийиниш усуллари, урфлари, либослари ва соч турмаклашлар юнонлардан скифларга қадар, форслардан ҳиндларга қадар бўлган жиҳатларни ўзида мужассам этганлигини кўрсатади.

Ерқўрғоннинг қайси санадан Қарши воҳасининг илк марказий пойтахти ҳисоблана бошлагани алоҳида масаладир. Қашқадарё экспедициясининг илк қазилма ишлари натижасида аниқландики, шаҳарнинг ички девори милоддан аввалги VI асрларда тикланган Узунлиги 0,5 метрли тўғри бурчакли хом ғиштдан девор тиклаш ана шу даврларга хос хусусият эди. Бу деворга туташ қатламлардан эрамиздан аввалги I минг йилликларга мансуб сопол идишлар топилди. Бироқ бу қадимий шаҳар ҳудудида қурилган алоҳида қазилмалардаги текширувлар шундан далолат берадики, бу девор

¹ Сулейманов Р.Х. Даҳма Еркургана ОНУ 1989 №11 41-45 бет

тикланишидан анча аввал – илк темир даврида ҳам бу ерда деҳқон жамоалари яшаган, Ўрта Осиёнинг бу ўтроқ аҳолиси сопол идишларни кулолчилик чархида эмас, балки қўлда яшаган, пиширишдан олдин улардаги учбурчак, зигзаг ва занжирли безак қаторларини қизил ҳамда жигарранг бўёқлар билан жилолашган. Пиширилгандан сўнг бу идишлар жуда чиройли кўриниш олган. Бундай турдаги идишлар Сўғдиёна ҳудудининг Самарқанд воҳаси ва қадимги Кешдан ҳам топилган бўлиб, одатда улар эрамиздан аввалги IX-VII асрларга тўғри келади.¹ Ерқўрғон милоддан аввалги IX-VIII асрларда мустаҳкам қалъа сифатида шаклланган. Шаҳристондан топилган бу даврга оид буюмлар асосан сополдан ясалган пиёла, кўза ва қозон каби идишлар бўлиб, бу идишларда

кескин фарқлар кузатилмайди. Милоддан аввалги III асрнинг биринчи ярмида Сўғд давлати Александр Македонский қўшинларига жиддий қаршилик кўрсатганига қарамай, эллинларнинг Салавка ва Грек-Бактрия давлатлари таркибига киради ва шу сабабли унинг модий маданияти, шаҳарсозлиги ва санъатида эллинизм андозалари таъсири сезилади.

Антик даврда бу ҳудуддаги демографик ва маданий вазият шаҳарнинг кўпайиши, қўшни вилоятлар билан яқин алоқалар, ўтроқ ва кўчманчи аҳолининг аралаш ҳолда яшашига боғлиқ бўлган.

Бу даврга оид иншоотлар ҳақида гапирганда, шаҳар дарвозаларидан ташқарида жайлашган зардуштийлар даҳмасини ҳам эслатиб ўтиш керак. Даҳма кўп вақт ишлатилмаган ва тахминан милоддан аввалги II асрда ҳом ғишт билан беркитиб қўйилган. Даҳмани қозиш пайтида милоддан аввалги II асрга мансуб заргарлик буюмлари, сопол парчалари топилди. Сўғднинг милоддан аввалги ва милоднинг дастлабки асрларига ҳос сопол буюмлари кўп жиҳатдан бактрияликларникига ўхшашдир. У юқори сифатли бўлиб юксак маҳорат билан тайёрлаган. Ўрта Осиёнинг шу жумладан Сўғднинг антик давр тасвирий санъатига икки хил – эллинча ва маҳаллий услублар

¹ Сулаймонов Р.Ҳ. Нахшаб – унутилган тамаддун сирлари. Т.: «Маънавият». 2004. 12-13 б.

ўзаро самарали таъсир кўрсатди. Улар қадимги Шарқ ва кўчманчи скиф-сак бадий маданияти тимсолларига бориб тақалади. Вақт ўтиши билан тасвирий санъат эллинизм даврига хослик ва ҳаққонийликдан маҳрум бўлади. Ундаги шартли япаскилик белгилари кучаяди. Ёруғлик ва ҳаёлий тасаввурлар ўзгаради. Деворий тасвирларда ҳам, сўғд хайкалчаларида ҳам аёл маъбудалари образлари кўпроқ учрайди.¹

Еркўрғондан топилган сопол хайкалчаларнинг катта коллекцияси қадимги сўғдликларнинг гўзаллик ҳақидаги идеали ҳамда Сўғдиёна пантеонининг бойлигидан далолат беради. Милоддан аввалги III-I асрларга оид Еркўрғон корпластикасининг типологик образларига ҳам эллинка ва маҳаллий усулларнинг ўзаро таъсири бор. Милоднинг биринчи минг йиллигида аёл маъбудалар образи қават-қават бурмали, белдан анча баландда боғланган эллинка кўйлақда ҳамда кўллари Нахшаб хайкалчаларига хос бўлган тарзда: ўнг кўл кўкрак остида, чап кўл қорин устида турган ҳолатда тасвирланган. Бу турдаги кийим Бактрия, Марғиёна, Сўғднинг антик аслзода аёллари образларида кенг тарқалган бўлиб, улар мумтоз грекча кийим – хитондан нусха олиб ишланган.

Еркўрғон терракоталарининг иккинчи услубий йўналишида маҳаллийлаштирилган аёл маъбудалар ёйиқ бармоқларини кўкраги остига кўйган ҳолда тасвирланган. Кенг кўйлақ елпиғичсимон шаклдаги қисмлардан иборат бўлиб, у кўйлақ бурмаларини ифодалайди. Бу кўчманчиларнинг этаги кенг от миниб юришга қулай кийимидир. Бўйламасига бурмалари қўнғироқ шаклида пастга томон кенгайиб борувчи кийим тасвири чўл тош ёдгорликлари, шунингдек, Сурх-Кўтала ва Шотерак, Саксонохур, Холчаён, Далварзинтепа, Мирзақултепа терракота хайкалчаларига хос.

Шарқий ибодатхонанинг бир пайтлар бой бўлган монументал безакларидан фақат айрим лавҳалар сақланиб қолган. Иккинчи даврга оид

¹ Нефедов Н.Ю. Культново-мемориальное сооружение Еркургана II-IV вв Н.Э. Археологические работы на ново стройках Узбекистана Под.редак. М.И. Филанович. Т.1990. 118-126 бет

токчалар безаклари яхшироқ сақланган. Ибодатхонанинг марказга қараган қисмида икки одам шакли бор (қизил фон устига оқ ранг билан чизилган), булар узун кийим кийган коҳинларнинг адорация ҳолати даги тасвири бўлса керак. Улардан бири қўлида калавали урчукни ушлаб турибди, иккинчисининг қўлида гуллар ҳамда узук бор.¹

Ерқўрғонда олиб борилган қазилмаларда III-VI асрларга мансуб шаҳар эҳроми энг муҳим объектлардан бири бўлди ва ундан лойдан ишланган аёл илоҳанинг синиқлари топилди. Эҳромни такрор таъмирлаш ва қайта қуриш жараёнларида илоҳларнинг ёғоч синчлар устига лойдан ясалган ва бўёк берилган ҳайкаллари синдирилиб, девор ва пол остига суваб юборилган, ибодатхонанинг бош меҳробига эса янгидан ясалган ҳайкаллар қўйилган. Бизгача ушбу илоҳлардан учтасининг турли даврларда ясалган бўлаклари етиб келган. Бу эҳром аёл илоҳага бағишлаб бунёд этилган. III-VI асрларда у мазкур шаҳар ва бутун Қарши воҳасининг ҳомийси ҳисобланган. Эҳром ибодатхонасидан илоҳлар ҳайкаллариининг синиқлари билан биргаликда ақиқдан ишланган Силен тасвири ва қурбақа ҳайкалчаси, қўрғошин қоришмасидан қуйиб тайёрланган, илон шакли, бир қанча броза кўзгу ва олтиндан типратикан шаклида ясалган кулон топилди. Қурбақа, юнон мифологияси персонажларидан бири бўлмиш Силен ва илон сув унсури билан алоқадордир.²

Ўрта Осиё деҳқончилик маданиятининг бронза давридан тортиб то ўрта асрларгача бўлган археологик ёдгорликларида қурбақа тасвири учраб туради. Тупроқ ва сув кучларининг рамзи - илон Ўрта Осиё диний маросимлари ва тасвирий санъатида мавжуд бўлган. Ерқўрғондан топилган пакана бўйли, гротеск услубида шишиб чиққан қорин, каттакон бош ва эчкисимон кулоқларга эга бўлган Силен тасвири юнон мифологиясидаги сув унсурининг қуйи мартабали илоҳидир.

¹ Қарши – 2700 Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган китоб-альбом. Т.: «Маънавият». 2006. 54 б.

² Шевяков А.И. Образ лягушки в верованиях народов Евро Азии. Ташкент: Б.И.1995

Ерқўрғон эхроми топилмалари орасида зардуштийлик ақидаларига зид келмайдиган ягона образ – бу кулон шаклидаги олтин типратикан тасвиридир. Зараркунанда ҳашаротларнинг кушандаси бўлмиш типратикан муқаддас жонивор сифатида тасвирланган. Зардуштийлардан ташқари катор қадимий халқлар, шу жумладан сарматлар ҳам типратиканни эъзозлаганлар. Ерқўрғон эхромидан қурбақа, илон тасвирлари билан биргаликда типратикан шаклининг топилиши қадимий сўғдийларнинг етарли даражада ўзига хос эътиқодий-асотирий тассавурларга эга бўлганликларини кўрсатади.¹

Ерқўрғон эхромининг III қурилиш даврига мансуб сирли жилмайиб турган илоҳа тасвирини беаб турган тўртта қизил рангли гул шаклидаги холлари алоҳида эътиборга сазовордир. Шимолий Афғонистоннинг Дилбаржин эхромидан топилган илоҳанинг юзи ҳам шунга ўхшаш гул билан безалган. Кушон давридан бошлаб ҳинд илоҳалари чехрасини ҳам шундай нуқталар беаб туради. Бироқ Ерқўрғондаги илоҳадан 2000 йилча илгари яратилган, крит-микен маданиятига оид бўлган мақбарадан топилган сирли аёл илоҳа бошининг ва этрусск санъатида оид аёлларнинг гул шаклидаги холлари Ерқўрғон нусхасини такрорлайдилар. Олий сиймолар қиёфасини бундай холлар билан безатиш мутахассислар учун антик даврлардаёқ Марказий Осиёдан Европага қадар сочилиб кетган қадимий халқлар ўртасидаги маданий алоқаларнинг қолдиқ излари бўлиб ҳисобланади.²

Ушбу холлар қадимий ҳинд-европо қабилалар анъанавий рамзи эканлиги ҳақида ирланд эпосида сақланган бош қаҳрамон – Кухулин унинг тенги йўқлигини рамзи сифатида, иккала юзидаги тўрттадан рангли холи ҳам далолат беради. Аммо, Ерқўрғон илоҳасининг қандай ном билан аталгани номаълум.³ Шарқий ибодатхонага қўйилган илоҳнинг ҳайкал шаклидаги тасвири алоҳида ўрин туради. Умумий ҳисобда бу ерда тўртта ҳайкал бўлган бўлиши керак, чунки томонларнинг ҳар бир қайта қурилишида тасвир бузилган, унинг парчалари деворлар ва полларга кўмиб юборилган, ўрнига

¹ Сулаймонов Р.Х. Нахшаб унут. там.Сирлари. Т: «Маънавият». 2004 28 бет.

² Р.Х.Сулаймонов. Нахшаб – унутилган тамаддун сирлари. Т.: «Маънавият». 2004, 27-31 б.

³ Дюземиль Ж, Скифы и Нарты. Пер. с французские А.З. Алмазовой. М. Наука:1990. 189 бет

эса янги ҳайкал қўйилган. Фақат сўнгги даврдагина эски ҳайкал ўрнига хом гиштдан ясалган тўғри тўртбурчак шаклидаги меҳроб ўрнатилган бўлиб, унинг усти оқ рангли ганчсувоқ билан қопланган. Ушбу меҳроб тозаланганда, унинг устки майдончаси тоза кул билан қоплангани маълум бўлди. Меҳроб остидан чўп каркасга лой сувалиб ясалган ва бўялган ҳайкал қолдиқлари топилган. Илоҳнинг бошини англатувчи энг йирик ибодатхонага кириш жойида пол остидан топилган. Ҳайкаллар ва яримсирли деворий нақшлар сақланиб қолган нодир намуналари эллинлар таъсирига мойиллик ҳамда Хоразм ва Бактрия давлати билан ўзаро алоқалардан далолат беради. Шарқий ибодатхона қазилмалари орасидан топилган ашёлар орасида ибодат билан боғлиқ бўлган санъат буюмлари алоҳида ўрин тутди.

III-IV асрларда Нахшаб короластика санъати ривож топади. Маҳаллий терракота, Ўрта Осиё короластика санъатининг умумий йўналишида ривож топган ҳолда, кийимлар, ҳолат ва безаклар тасвирида қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлган.¹

Нахшаб ҳайкалчалари ўзининг тик қомати билан ажралиб туради. Самарқанд ва Бактрия терракоталарида осийча бичимдаги, қимматбаҳо тақинчоқларни ифодаловчи турли шакллар билан безатилган қалин кийимларни кўрамиз. Уларнинг прототиплари Тиллатепа ва Шибирғон яқинидаги мақбараларда учрайди. Нахшабга месопотамия мактаби усулидаги ҳайкалчалар хос эмас. аёл образларнинг ҳам буюмлар кам учрайди. Қадимги III-IV асрларга хос энг таъсирчан ҳайкалчаларда гандҳара мактаби таъсири кузатилади. Кейинчалик ҳайкалчалар кўпроқ шартли тусга эга бўла бошлайди, деталлар умумлаштирилади. Ташқи ҳаракат шаклини ифодалашда ҳайкалчаларнинг ички дунёсига эътиборнинг кучайиши кузатилади.²

Қўлида ойна тутган маъбудалар ҳайкалчаларининг вариантлари бири-биридан фарқланади. Ерқўрғонда шаҳар маъбудаси ибодатхонасидан

¹ Қарши – 2700. Т.: «Маънавият». 54-б.

² Сарияниди В.И. Храм и некрополь Тилятепе. М.: Наука. 1989. 93-б.

топилган бир неча ойна унинг Нахшаб шаҳри ва вилояти маъбудасининг рамзи эканига ишора қилади. Ҳайкалчалар ҳам худди шу маънони англатиши мумкин. Ойна тутган маъбуданинг энг қадим намуналари Хоразмда учрайди.¹

Нахшабга хос бўлган қўлида бола кўтарган она-илоҳ тасвирланган ҳайкалчалар ҳам эътиборга сазовордир. Улар Яқин Шарқдаги эллинча Афродита, оёғи ёнида Гарпократнинг миниатюра фигураси бўлган ҳайкалчалари билан умумийликка эга эмас. Услубий жиҳатдан эллинлашган ва шарқона турдаги ҳайкалчалар оралиғида турадиган кичик туркум ҳайкалчалар ҳам мавжуд бўлиб, кўкрагига хочсимон тарзда мато боғланган тарзда тасвирланган. Бундай ҳайкалчалар ва уларнинг ҳолати ҳиндча якшинлар тасвирини эслатади. Соф Осиёча кийимдаги ҳайкалчалар нисбатан кам. Улар Нахшабга хос ўлчамларни ва ҳолатларни сақлаб қолган бўлса-да, тасвир жиҳатидан шартлилиги билан ажралиб туради.²

Ерқўрғондаги қадимги ибодатхонадан топилган бир археологик мазкур обидани бунёд этган аجدодларимизга қурбақа билан алоқадор эътиқодий қарашлар ҳам маълум бўлганлигини тасдиқлайди. Бу – қурбақа шаклидаги кичик тумор бўлиб, милoddан кейинги биринчи минг йилликнинг иккинчи чорагига оидлиги аниқланган. Тумор ўзининг кўриниши бўйича Сополлитепадан топилган қурбақа шаклидаги сопол буюмга ўхшашлигига асосланган профессор Р.Сулаймонов қурбақани осмон сувлари ва ёмғир тимсоли сифатида тимсоллаштириш бронза даври деҳқончилик маданияти анъаналарига бориб тақалишини аниқлади. Ерқўрғонликлар йил серёғин келсин ва сув мўл бўлсин деган ниятда қурбақа шаклидаги туморларни тақиб юришган. Археолог Ф.Петрининг аниқлашича, қурбақа шаклидаги туморлар қадимги Мисрнинг XXVI сулола даврига мансуб ёдгорликларида кўп учраб экан.³

¹ Кругликова И.Т. Настенные росписи Дильберджина// Древняя Бактрия. М.: 1976. 96-б.

² Қарши – 2700. «Маънавият». 2006, 56-б.

³ Маматкул Жораев. Ерқўрғоннинг муқаддас жониворлари«Фан ва турмуш», № 5-6, 2006. 10-б.

Еркўрғон шаҳри вайроналари яқинида ўрта асрлардан бери сақланиб келаётган қабристон ва авлиё Исахон отанинг мозори жойлашган ясси ва кенг бир тепалик бор. Унинг ёнида яшовчи аҳоли ўртасида ушбу тепаликда аждар яшайди деган ривоят юради. Еркўрғонинг кулоллар маҳалласидан топилган III асрларга оид топилма Нахшаб тарихида ушбу афсонанинг анча реал асослари борлигини кўрсатади.

Бу Еркўрғон ҳукмдори муҳрининг лойга туширилган акси бўлиб, сўнг бу лой пиширилган. Муҳрда ҳукмдор аждаҳонинг устида ўтирган ҳолда тасвирланган, унинг қўлида ҳукмдорлик рамзи бўлмиш камчи бор, айна пайтда бу ҳукмдорлик илоҳий тусга эга. Ҳозирга қадар камчи Марказий Осиё шомонларининг асосий қуроли ҳисобланади. XX асрнинг бошларида ҳам Бухоро амири аркининг кираверишида ҳокимият рамзи сифатида катта дарра осилиб турар эди. Муҳрдаги чавандоз ҳукмдор рўпарасида башанг либосдаги илоҳанинг тасвири жойлаштирилган. У бир қўлида чавандозга қадаҳ узатиб турибди, иккинчи қўли билан аждаҳонинг жиловидан ушлаб олган.¹

Ҳукмдор елкасининг ортида Шарқда Янги йил, баҳорги тенгкунлик (Наврўз) рамзи ҳисобланган ярим ой ва юлдузлар тасвири бор. Қадимда ва ўрта асрларда мамлакатга ҳукмдорлик тангридан ёки илоҳий кучлар томонидан инъом этилади деб ҳисобланган. Яъни, муҳрда маъбуда тарафдан ҳокимга муқаддас фатвосини берилиши манзараси ифодаланган. Архаик жамиятларга хос бўлган характерли жиҳат шуки, ҳукмдорнинг ўзи бош қоҳин ва илоҳ хизматкори вазифасини ҳам бажарган. Агар шаҳар, мамлакат ёки қабиланинг ҳомийси аёл илоҳа бўлиб ҳисобланса, унда ҳукмдор бу илоҳанинг мистик рафиқи саналган ва муқаддас никоҳ орқали гўё у самовий мавжудотлар доирасига киритилган.²

Маъбуданинг қўлидан жомни қабул қилиб олиш сахнаси қадимги шарқ ва скифлар санъати билан боғлиқ бўлиб, қасам ичиш орқали илоҳларга яқинлашишни билдиради. Қадимда суд пайтида, худолар олдида қасамёд

¹ Дюземиль Ж. Скифы и Нарти. / Пер. с. франц. А.З.Алмазовой. М.: Наука, 1990. 227-б.

² Сулаймонов Р.Ҳ. Нахшаб – унутилган тамаддун сирлари. Т.: «Маънавият», 2004. 32-б

килиш чағида муқаддас ичимликни ичиш кенг тарқалган. Бу қадим одатнинг қолдиқлари ўзбекча «қасам ичмоқ», «қасамхўр» деган ибораларда кузатилади.

Бу ердан топилган кўплаб сопол урчуқ тошлар антик ва илк ўрта асрларда тўқимачилик ривожланганидан далолат беради. Улар ҳам амалий, ҳам илоҳий маънога эга бўлган. Бундай тошларнинг марҳумлар ёнига қўйилиши ҳам шуни тасдиқлайди. Ерқўрғон ҳукмдорлари мақбарасида икки юздан ортиқ ана шундай идишлар топилган. Эҳтимол, тўқимачилик қабр ҳаётида ва қайта тирилгандан сўнг асқотадиган муқаддас касб деб ҳисобланган бўлса керак. Прозерпина ҳақилдаги антик афсонада айтилишича, у ер остида тикиш билан шуғулланади ва шу орқали азалдан тарқоқ бўлган моддий дунёга уйғунлик ва фаровонлик бахш этади. Тўқимачилик буюмларининг дафн маросимларида қўлланилиши – илдизлари умумҳиндевропа маданиятига бориб тақаладиган Шарқ ва Ғарб афсоналаридаги яна бир ўхшашликдан далолат беради.¹

Космогоник ва инсоний тақдирларнинг умумий жараёнларини акс эттирувчи асотирий тасаввурлар мажмуини тўқувчилик касбидаги иккита амал алоқадор бўлган икки сюжетга ажратиш мумкин: ип йигириш алоҳида индивидлар тақдирининг рамзий ифодаси бўлса, тўқувчилик космогоник акт (бутун оламнинг яратилиши) билан боғланади. Ерқўрғондан топилган ашёлар ҳам шундан далолат берадики, инсоний тақдир ипига оид мифологик сюжетлар қадимги сўғдийларга маълум бўлган ва уларнинг тасаввурига кўра, оламнинг яратилиши тўқимачилик жарёнлари билан алоқадордир. Томини пишиқ ғиштдан терилган тиккита бақувват устун кўтариб турган Ерқўрғон шаҳар эҳромида олиб борилган қазилмалар пайтида устунлардан бирининг сиртида қўлида лилия гулчамбар ва бир тўп ип ўралган урчуқ ушлаган икки нафар аёл тасвири топилди. Нилуфар одатда нариги дунё билан боғлиқ

¹ Ардзинба В.Г. Ритуалы и мифы древней Анатолии М: Наука, 1982. 88 бет

тушунчани ифодалаган. Гулчамбар эса, Александр Македонскийдан сўнг, Шарқда ҳокимиятга илоҳий мансуб бўлиш рамзини акс эттира бошлаган.¹

Иккинчи амал – тайёр ипдан мато тўқиш қадимда космогоник ижоднинг рамзий ифодаси ҳисобланган. Ригведада еттита арқоқ ва ўриш ипларини тортиб турган, яъни макон ва замон бўлинишини белгиловчи космогоник ижодни акс эттирувчи «кави» илоҳалари ҳақидаги мифологема сақланиб қолган. Ибодатхоналардан топилган тўқув дастгоҳларининг сопол ва лойдан ясалган посангилари бу сюжет қадимги сўғдийларга ҳам маълум бўлганини кўрсатади. Шу маънода Ерқўрғон ҳукмдорларининг III-V асрларга оид макбараси алоҳида эътиборга лойиқ.²

Ерқўрғоннинг кулоллар маҳалласида археологик қазув ишлари олиб борилаётганда кул қатлами орасидан ит боши тасвирланган қолип топилган. Мутахассисларнинг фикрича, V-VI асрларга мансуб мазкур қолип ит боши шаклидаги туморчалар тайёрлашда қўлланилган. Топилма қадимги ерқўрғонликлар мифологиясида ит ёвуз кучлардан ҳимоя қилувчи жонзот сифатида эътироф этилганлиги кўрсатилади.

Қадимги ерқўрғонликлар бир неча жониворларни муқаддас санаганлар. Шулардан бири қўй бўлиб, ерқўрғонликлар мифологияси талқинича, қўй – кут-барака ва омад тимсоли деб тасаввур қилинган. Шунинг учун бу жонивор кўринишидаги тумор ва ҳайкалчаларни уйда сақлаш эзгулик аломати ҳисобланган. Бўйнига лента боғланган қўйнинг Ерқўрғондан топилган ҳайкалчаси ҳам шу мақсадда ясалган бўлса ажаб эмас. Зеро, қўйни оилага барака келтирадиган жонивор деб билиш анъанаси қашқадарёликлар орасида ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган.

Ерқўрғондан топилган археологик топилмалар орасида туя ҳайкалчалари ҳам мавжуд. Бу шунчаки оддий халқ ҳунармандчилига бўлиб қолмай, аждодларимизнинг омад, ғалаба, муваффақият ҳақидаги эзгу қарашларини ҳам ўзида мужассамлаштирган мифологик тимсол ҳамдир.³

¹ Сулаймонов Р.Х. Нахшаб – унутилган тамаддун сирлари. Т.: «Маънавият», 2006, 44-б.

² Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. М.: Б.и. 1992. 248-б.

³ Маматкул Жораев. Ерқўрғоннинг муқаддас жониворлари «Фан ва турмуш», № 5-6, 2006. 11-б

III аср Ерқўрғоннинг энг сўнгги гуллаб - яшнаган даври бўлди. Бу даврда Нахшаб ҳукмдорлари томонидан зарб этилган тангалар ва тасвирий санъат намуналарида парфия таъсири сезилади. III асрда бунёд этилган ҳукмдор мақбарасида олиб борилган қазималар дафн маросимининг ўзига хос хусусиятини очиб берди. Мақбара юксак пирамидасимон асосга қўтарилган бўлиб, шаҳар дарвозасига қарата тўртбурчак зал-айвон шаклида қурилган бўлиб биқини ва орқа томонидан тор коридорсимон хоналарга туташган. Бу хоналардан катта ёшдаги эркак ва аёлнинг жасадлари топилди. Улар зардуштийлик удумлари бўйича, яъни суяклари этидан тозаланиб, иккита катта хумга солиниб дафн этилган. Бу ердан яна марҳумлар сиймоси акс этган рангли сопол ҳайкалнинг бўлаклари, заргарлик буюмлари топилди. Хумлар ёнидан тўқув дастгоҳининг икки юздан ортиқ посангилари топилган бўлиб, улар хумлар атрофида, тор ва қоп-қоронғи хонада бирга сочилиб ётарди. Посангилар лойдан ясалган, диаметри 10 сантиметрча келади. Фақат ҳукмдорнинг қариндош-уруғларигина кириши мумкин бўлган мақбарада тўқув дастгоҳининг ишлаб турганлиги мифологик тасаввурлар билан боғлиқ. Посангилар қадимик сўғдларнинг ҳукмдор эр-хотинларнинг нариги дунёдаги тақдирига ишониб келтирган ўзига хос диний тортиқларидир. III-IV асрларда Нахшабдаги мифологик тасаввурларга кўра, рамзи тўқувчилик билан боғлиқ бўлган тақдир илоҳалари нариги дунёда ва ундан кейинги қайта тирилишларда катта рол ўйнаган. Ерқўрғон даҳмасидан топилган тўқув дастгоҳи анжомлари IV асрга мансубдир. Гарчи сўғдийларнинг хионийлар ҳукмронлиги давридаги мафқуравий ҳаёти тўғрисида дарак берувчи ҳеч бир ёзма манба сақланиб қолмаган бўлса-да, бу дафн маросими Прозерпина ҳақидаги асотирга яқин тасаввурлар билан боғлиқ эканлигини тахмин қилишимиз мумкин.¹

Илк ўрта асрларда Сўғд маданий ва бадиий жарёнларининг марказларидан бирига айланади ва уларда бутун ўрта асрлар маданиятига хос бўлган

¹ Сулаймонов Р.Ҳ. Нахшаб – унутилган тамаддун сирлари. Т.: «Маънавият», 2004, 45-б.

ривожланиш хусусиятлари ўз ифодасини топади. Ерқўрғоннинг шаҳар кулоллари ва темирчи усталари мавзеларида олиб борилган қазилмалар бу даврдаги ҳунармандчиликнинг ривожланганидан далолат беради. Нахшаб худудида V-VII асрларда мавжуд бўлган қишлоқларда олиб борилган археологик қазилмалар шуни кўрсатадики, бу даврда шаҳар аҳолиси ва қишлоқ аҳлининг уй-хўжалик тузилишида жиддий фарқлар бўлмаган. Бу даврда янги - кандиза турдаги оғир, калин либосли аёллар ҳайкалчалари пайдо бўлади. Эркаклар ҳайкалчалари антик даврда нисбатан кам учрайди ва булар кўпинча силенларнинг алоҳида бошлари, шунингдек, сак-парфия аскарлари ҳайкалчаларидан иборат. V-VI асрларда уларнинг ҳолати, кийими ва персонажлар атрибутларида тўлиқ ўзгаришлар кўзга ташланади. Бу ҳол ижодий асоси табақали-иерархияга бориб тақаладиган феодал санъатининг бошланишидан далолат беради. Бундай ҳайкалчаларнинг иконографияси қоядаги Нақши Рустам барельефидаги образдан келиб чиққан. Персонажларнинг шахс ва ҳукмдор ролини бирлаштириши кўриниб турибди, бу ҳол диний ва дунёвий ҳокимият ягоналиги ғоясини ифодалайди ва ушбу ғоя мазмуни қисқа бир иборада баён этилган: «Меҳроб – тахт таянчи, тахт – меҳроб таянчи».¹

Ерқўрғон терракоталарининг образларини турли чавандозли ва чавандозсиз отлар ҳайкали тўлдиради. Нахшабнинг бошқа образлари буқалар, эчкилар, туялар, маймунлар шаклида ифодаланган.

Ерқўрғон ёдгорлигидан топилган тўқув дастгоҳи анжомлари IV асрга мансубдир. Сўғдийларнинг хионийлар ҳукмронлиги давридаги ҳаёти тўғрисида ҳеч қандай маълумот бўлмаса-да, бу дафн маросими Прозерпина ҳақидаги асотирга яқин бўлган тасаввурлар билан боғлиқлиги тахмин қилинади. Ерқўрғон ёдгорлигидан топилган барча моддий манбалар қадимги ерқўрғонликларнинг юксак маданиятини кўрсатади.

Хулоса

¹ Қарши – 2700. Т.: «Маънавият». 2000. 66-бет

Мазкур битирув малакавий ишида Р.Ҳ. Сулейманов томонидан Қарши воҳаси антик даври археологик ёдгорлиги Ерқўрғонда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида тўпланган маълумотлар асосида ўрганилди.

Милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталарида Қашқадарё воҳасида ўтроқ аҳолининг бир неча жойлашув ҳудудлари шаклланди. Бу ҳудудлардан бири Ерқўрғон эди.

Милоддан аввалги III асрда Ерқўрғон қудратли фортификация, муҳташам иншоотлар, юксак ривожланган ҳунармандчилик ва сўғдча хусусиятлар билан аралашган ўзига хос эллинистик маданиятга эга бўлган. Археологик топилмалар бу даврда Жанубий Сўғд, жумладан Ерқўрғон ҳам қадимий маданиятнинг асосий ўчоғи бўлганидан далолат беради.

Ерқўрғоннинг ривожланиш ва савдо-иқтисодий аҳамияти унинг муҳим савдо йўлларида жойлашгани билан белгиланган. Бу йўллар Амударё соҳиллари бўйлаб Бактрия, Марғиёна ва Парфияга олиб борган. Ерқўрғонда тахминан милоддан аввалги IV асрнинг охирида товар-пул муносабатлари пайдо бўлади ва кейинчалик кўп асрлар давомида изчил ривожланди.

Милоддан аввалги IV аср охирида Александр Македонский қўшинлари, Бутун Ўрта Осиё сингари, қадимий Ерқўрғонни ҳам ишғол этади ва уни Икки дарё оралиғи Наутака, Парейтакена, Габаза каби жанубий ҳудудларга ҳужум қилиш учун таянч манзиллардан бирига айлантирган.

Ерқўрғон шаҳри милоддан аввалги IX-VIII асрларда дастлаб кичик манзилгоҳ сифатида вужудга келиб, Сўғд цивилизациясининг тўрт асосий манзилларидан бири бўлган.

Нахшаб Ерқўрғондан топилган сопол буюмлар шаҳарнинг ёшини аниқлашда муҳим манбалар ҳисобланади. Шаҳарчанинг ҳажми ва сақланиши, унда тахминан илк темир давридан бошлаб, то илк ўрта

асрларга қадар ҳаёт давом этганлиги Жанубий Сўғдиёнанинг моддий маданияти даврларини ўрганиш имкониятини беради.

Ерқўрғон ҳудудида Р.Ҳ. Сулейманов томонидан олиб борилган казишмаларнинг кўп қатламлиги милоддан аввалги VII-VI асрларда кўҳна шаҳар ҳудуди жадаллик билан ўзлаштирилиб борилганидан далолат беради.

Р.Ҳ. Сулеймановнинг фикрича милоддан аввалги VI-V асрларда манзилгоҳ минораларга эга бўлган қалин мудофаа деворлари билан ўраб олиниши билан шаҳар шаклланиши тугайди.

Ерқўрғоннинг ижтимоий ўтроқлашиш тизими ривожланиши унга суғориш тармоқлари билан узвий боғлиқ ҳолда кечган. Хионийлар ва Эфталитлар даври IV-VI асрларда Ерқўрғон Марказий Осиёнинг энг йирик ва гуллаб яшнаган шаҳарларидан бири бўлган. Пойтахт шаҳар атрофида кенг кўламли қурилмалар тизими қарор топган.

Р.Ҳ. Сулейманов томонидан Ерқўрғон ёдгорлигидан топилган кўп миқдордаги моддий ашёлар қадимий ва илк ўрта асрларда Қашқадарё воҳасининг Ўрта Осиё минтақасидаги тарихий ва бадиий жараёнларга уйғун ҳолда кечган қизғин ҳаётидан далолат беради.

Милоддан аввалги I асрларда Нахшабда Юнон-Бақтрия подшоларидан Сўғдни тортиб олган кангюйлар сулоласи ҳумронлик қилган.

Бу қадимий шаҳар аҳолисининг маданий алоқалари алоҳида эътиборга лойиқ. Ундаги меъморий ва санъат ёдгорликлари қадимий маданиятларнинг ғарбдаги этруссклар ва юнонлардан бошлаб Шарқда Ҳиндистон ва Сибирга қадар кенг майдонларда ёнма-ён ривожланганлигини кўрсатади.

Битирув малакавий иши Р.Ҳ. Сулеймановнинг қадимги Ерқўрғон тарихига оид таҳлил этилган ва умумлаштирилган маълумотлар асосида қуйидагича хулосалар чиқариш мумкин:

- Ерқўрғон шаҳрида Р.Ҳ. Сулейманов томонидан олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида Қарши воҳаси тарихида алоҳида ўрин тутган бу шаҳарнинг асосий объектлари ўрганилди. Ерқўрғон шаҳрида XIX асрнинг 40-йилларидан бошлаб кенг кўламдаги тадқиқотлар олиб борилди. Ҳозирги кунда ҳам бу қадимий шаҳарни археологик жиҳатдан ўрганиш давом этмоқда, тўпланган маълумотлар Ўзбекистон қадимги тарихи саҳифаларини ёритишга имкон яратди;

- Милоддан аввалги VII-IV асрларда Ерқўрғон шаҳри атрофида турли манзилгоҳлар барпо этилган. Манзилгоҳлар ва меъморчилик қурилиши шундан далолат берадики, улар маъмурий , иқтисодий ва маданий марказлар, деҳқончилик турар жойлари, ҳарбий шароитларда бошпана вазифасини, бажарувчи қалъа ёки манзилгоҳ таянч иншооти вазифасини ўтаган;

- Р.Ҳ. Сулейманов олиб борган археологик тадқиқот ишлари натижасида Ерқўрғон ёдгорлиги икки маданий қатламдан иборатлиги аниқланди;

- Милоддан аввалги III асрда Ерқўрғон шаҳри юксала бошлади. Бу даврда шаҳар Нахшаб воҳасининг маъмурий ва иқтисодий, маданий, диний, ҳарбий марказларидан бирига айланиб, шаҳарда ҳунармандчилик, ўзаро алмашув ҳамда савдо-сотиқ гуркираб ривожланди;

- Милоддан аввалги II-I асрларда Ерқўрғонда ҳунармандчиликнинг турли тармоқлари – темирчилик, кулолчилик, тошга ишлов бериш, заргарлик ҳам анча ривожландики, бу жараён шаҳарда ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларини очиб берди:

Р.Ҳ. Сулейманов тадқиқотлар натижасида бу кўҳна шаҳарнинг ёши 27 асрдан кам эмас деб белгиланган. Келажакда бу ҳудудда олиб бориладиган археологик тадқиқотлар Нахшаб воҳаси тарихининг очилмаган саҳифаларини очилишига кенг имкониятлар яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Президент асарлари:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т; “Шарқ”, 1998
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXII аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид , барқарорлик шартлари шартлари ва тараққийёт кафолатлари. Тошкент:“Ўзбекистон”, 1997
3. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш ислохотларини чуқурлаштириш ва маънавиятини юксалтириш халқимизнинг бош мақсади. Т: “Ўзбекистон” 2007

Асосий адабиётлар:

1. Ардзинба В.Г. Ритуалы и мифы древней Анатолии М: Наука, 1982.
2. Бартольд В.В. история культурной жизни Туркистана. Соч 11 Ч.1.М: Наука, 1963.
3. Бартольд В.В. Согд Собр. соч. В. 9 Т. 3.м. 1965
4. Дюземиль Ж, Скифы и Нарты. Пер. с французские А.З. Алмазовой. М. Наука:1990.
5. Зимин Л.А. Нахшеб, Несеф, Карши их история и древности. Ташкент 1927
6. Исамиддинов М.Х., Сулайманов Р.Х. Еркурган (стратиграфия и периодизация) Ташкент, Фан, 1984.
7. Исамуддинов М.Х. Стратиграфия древнейших слоев Еркургана ИМКУ 1982 №27
8. К.Кабанов Нахшаб на рубеже древности и средневековья (III-VII вв.).- Т.: 1977

9. Кабанов С.К. Археологические работы в 1948 году в Каршинском оазисы ТИИА АН УзССР I.II.Ташкент 1950
- 10.Қарши – 2700 Қарши шахрининг 2700 йиллигига бағишланган китоб-альбом. Т.: «Маънавият». 2006.
- 11.Кругликова И.Т. Настенные росписи Дильберджина// Древняя Бактрия. М.: 1976.
- 12.Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. М.: Б.и. 1992.
- 13.Лериш П. Оборона эллинистического города Айханум в Афганистане
Городская культура Бактрии Тохаристана и Согда Т. 1987
- 14.Лунина С.Б. Города южного Согда в VII-XII вв Ташкент «Фан» 1984.
- 15.М.Х.Исамиддинов, Р.Х. Сулаймонов. Еркурган. «Фан», Т.: 1984.
- 16.Маматкул Жораев. Еркўрғоннинг муқаддас жониворлари«Фан ва турмуш», № 5-6, 2006.
- 17.Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. Т.: «Фан». 1973.
- 18.Нефедов Н.Ю. Культово-мемориальное сооружение Еркургана II-IV вв Н.Э. Археологические работы на ново стройках Узбекистана
Под.редак. М.И. Филанович. Т.1990.
- 19.Нефедов Н.Ю. Некоторые итоги раскопок дворцового комплекса Еркургана ИМКУ 1990 № 24
- 20.П. Равшанов, Қарши тарихи. Т: «Янги аср авлоди», 2006.
- 21.П.Равшанов. Қарши ва Кеш тарихи манбалари. Қарши. «Насаф». 2005.
- 22.П.Равшанов. Қарши тарихи. Т.:2006.
- 23.П.Равшанов. Қашқадарё тарихи Т.: 1999.
- 24.Пырин В.А. Предварительные результаты изучение квартала металлистов Еркургана. // ИМКУ. 1990. № 24.
- 25.Р.Ҳ. Сулаймонов, М. Исомиддинов, В Ягодин. Оламшумул археологик кашфиётлар «Фан ва турмуш». № 5-6, 2006.
- 26.Р.Ҳ.Сулаймонов. Нахшаб – унутилган тамаддун сирлари. Т.: «Маънавият». 2004.

- 27.Ражабова Н Археологическая работы в долине Кашкадарьи 2006.
- 28.Рапапорт Ю.А. К вопросу о дионийском культе в свящённом дворце
Топрок калк М-1978.
- 29.Ртваладзе Э.В. Этюд по исторической географии Бактрии и Согдианы
во время похода Александра Македонского ВДИ 2000 №4
- 30.Ртвеладзе Э. В., Буряков Ю. Ф., Сулаймонов Р. Х., ва б. Қарши. Т.:
Маънавият, 2006.
- 31.Ртвеладзе Э.В., Буряков Ю.Ф., Сулаймонов Р.Х. Қарши. Т.:
«Маънавият». 2006.
- 32.С.К.Кабанов. «Нахшеб на рубеже древности средневековья» (III-УП
вв), «Фан»,- Т.: 1977.
- 33.Сарианиди В.И. Храм и некрополь Тилятепе. М.: Наука. 1989.
- 34.Сулаймонов Р.Х. Нахшаб – унутилган тамаддун сирлари. Т.:
«Маънавият», 2004.
- 35.Сулаймонов Р.Х. Древний Нахшаб. Т.: «Фан»., 2000.
- 36.Сулаймонов Р.Х. Нахшаб – унутилган тамаддун сирлари . Т.:
«Маънавият», 2004.
- 37.Сулейманов Р.Х. Карши-Насаф-Нахшаб в системе цивилизации
центральной Азии Ўзбекистон тарихи №2-3 Т.»Фан” 2006
- 38.Сулейманов Р.Х. Нефедов Н.Ю., Предварительные результаты
раскопок Еркургана ИМКУ 1982, №17,
- 39.Сулейманов Р.Х. Основные этапы развития городища Еркурган.//
Античная культура Средней Азии и Казахстана : Тезисы докл.
Совещания. Т.: «Фан», 1979.
- 40.Сулеймонов ПР.Х. Дахма Еркургана ОНУ 1989 №11
- 41.Сулеймонов Р.Х. Древний Нахшаб ; Тошкент: Фан 2000
- 42.Сулеймонов Р.Х. Нефедов Н.Ю. Раскопки святилища храма городища
Еркургана ИМКУ 1979 №15
- 43.Теренонский А.И. Археологическая рекогносцировка в западной части
Узбекистана ВДИ 1947 №2

44. Толстов С. П. По древним дельтам Окса и Яксарта М : 1962. 230-232б.
45. Турабеков М Цитадеъ Еркургана ИМКУ 1982 №17
46. Турабеков М. Оборонительные сооружения древних городов и поселений Согда.- Нукус: Каракалпакстан.1990.
47. Шевяков А.И. Образ лягушки в верованиях народов Евро Азии.
Ташкент: Б.И.1995
48. Эшов Б.Ж. Милоддан аввалги VII-IV асрларда Сўғдиёна тарихи ва маданияти. Т.ф. номзодлиги дис. 1999.